

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

2019

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА

**ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ**

“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент”  
йўналиши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва  
менежмент” йўналиши**

**“ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2019**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар: Н.Иминова – ТАТУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, доцент,и.ф.н.

Такризчилар: Х.Мамаджанов – Интеллектуал мулк ва бизнесни баҳолаш ва сертификатлаш Федерал институти (Россия), т.ф.д., проф.  
Ш.Тўраев - ТАТУ, “АКТ соҳасида иқтисодиёт” факультет декани, и.ф.н., доц..

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 (694) – сонли баённомаси билан тавсия қилинган**

## МУНДАРИЖА

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>5</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол методлар .....</b>	<b>11</b>
<b>III. Назарий материаллар.....</b>	<b>18</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>53</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>73</b>
<b>VI. Глоссарий .....</b>	<b>78</b>
<b>VII. Адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>84</b>

І БЎЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Электрон тижорат” модулининг мақсади:** тингловчиларга электрон тижорат тизимлари бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан

иборат.

**Модулнинг вазифалари тингловчилар:**

- Электрон тижоратни юритиш секторлари бщйича тингловчиларнинг билимларини ривожлантириш;
- Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни билан таништириш;
- Электрон тижорат тизимлари ва турлари (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.), электрон тижорат тўлов тизимларида мобиль воситаларидан фойдаланиб тўловларни ташкиллаштириш тўғрисида билим ва куникмаларини такомиллаштиришдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Электрон тижорат” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- электрон тижоратнинг асосий тушунчаларини;
- электрон тижоратни юритиш секторларини;
- Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини;
- Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонунини;
- электрон тижорат тизимлари ва турларини (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.) жараёнларини *билиши* керак.

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонунидан фойдаланиш;
- электрон тижорат тизимлари ва турларини (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.) қўллаш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- электрон тижорат тизимлари ва турларини (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.) қўллаш;
- электрон тижорат тўлов тизимларида мобиль воситаларидан фойдаланиб тўловларни ташкиллаштириш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- электрон тижорат тизимлари ва турларидан фойдаланиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Электрон тижорат” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Электрон тижорат” модули мазмуни ўқув режадаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиш истиқболлари” ва “Логистика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг “Электрон тижорат” бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ахборот кутубхонасини яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.



## Модул бўйича соатлар тақсимоги

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкلامаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулот
1	Электрон тижорат: асосий тушунчалар.	2	2		
2	Электрон тижорат юрителининг секторлари.	2	2		
3	Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари.	6	2		4
4	Электрон тижорат тизимлари ва турлари (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.).	6		6	
5	Электрон тижорат тўлов тизимларида мобил воситаларидан фойдаланиб тўловларни ташкиллаштириш	6		6	
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1-маву. Электрон тижорат: асосий тушунчалар (2 соат).**

Рақамли иқтисодиёт. Электрон тижорат тушунчасининг мазмуни.

#### **2-маву: Электрон тижорат юрителининг секторлари (2 соат).**

Электрон тижорат юрителининг андозалари. Электрон тижоратда тўлов тизимлари. Электрон тижорат тамойиллари.

#### **3-маву. Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни. (2 соат)**

Бозор иқтисодиётига ўтишининг биринчи босқичида хусусийлаштиришни амалга ошириш рақобат ва тадбиркорликни

ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизи. Электрон тижоратни яратишнинг ҳуқуқий базаси. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

1-амалий машғулот. Электрон тижорат тизимлари ва турлари (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.). (6 соат)

2-амалий машғулот. Электрон тижорат тўлов тизимларида мобиль воситаларидан фойдаланиб тўловларни ташкиллаштириш (6 соат)

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# II БЎЛИМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «Блум кубиги» методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида кўйидаги сўзлар ёзилади:
  - **Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)**
  - **Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштирувчи савол)**
  - **Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)**
  - **Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)**
  - **Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантирувчи савол)**
  - **Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)**
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташлайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

### “KWLH” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича кўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

#### **Изоҳ. KWLH:**

*Know* – нималарни биламан?

*Want* – нимани билишни хоҳлайман?

*How* - қандай билиб олсам бўлади?

*Learn* - нимани ўрганиб олдим?.

<b>“KWL” методи</b>	
<b>1. Нималарни биламан:</b> -	<b>2. Нималарни билишни хоҳлайман, нималарни билишим керак:</b> -
<b>3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан:</b> -	<b>4. Нималарни билиб олдим:</b> -

### “W1H” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олти саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳрирлаш мумкин)	

## “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• хавфлар

## “БЕЕР” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилди ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Бер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.


#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши



мумкин.



**Тест**



**Муаммоли вазият**



**Тушунча таҳлили  
(симптом)**



**Амалий вазифа**

### “Инсерт” методи

#### Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

# III БЎЛИМ

НАЗАРИЙ  
МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу. Электрон тижорат: асосий тушунчалар (2 соат).

##### Режа:

1.1. Рақамли иқтисодиёт.

1.2. Электрон тижорат тушунчасининг мазмуни.

*Таянч сўз ва иборалар: Электрон тижорат, AT&T, On-line бизнес, EDI (Electronic Data Interchange), EFT (Electronic Funds Transfer), Электрон бизнес*

##### 1.1. Рақамли иқтисодиёт.

Бутун жаҳонда замонавий ахборот технологияларини ривожланиши барча соҳаларни тубдан ўзгаришларга олиб келди, шу жумладан иқтисодиёт соҳасида ҳам турли хил иш юритиш фаолиятлари ривожлана бошлади. Интернет тармоғининг ривожланиши бизга web технологияларини, автоматлаштирилган иш жойларини, эксперт тизимларини, интеллектуал тизимларини ва бир қанча бошқа тизимларни кириб келишига сабаб бўлмоқда. German Gref ўзининг очик маърузасида “2015 йил – бу ахборот технологиялари асридан рақамлаштириш асрига ўтиш йилидир”. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда интернет иқтисодиёт тушунчаси рақамли иқтисодиёт деб кириб келмоқда.

Рақамли иқтисодиёт (электрон, рақамли, web, Internet-иқтисодиёт) - бу соҳани самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда интеллектуал ва ахборот тизимларни ҳам оҳанг фойдаланишдир. Бунга корхоналарни бошқарув фаолиятларини интернет орқали амалга ошириши ва электрон тижорат билан боғлиқ рақамли технологияларга асосланиши, электрон маҳсулотлар ва хизматлар билан ишлаб чиқарилган ва сотадиган хўжалик фаолиятини киритиш мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши мамлакатимиз стратегик ривожланишининг асосий мақсадларидан биридир. Бу алоҳида, қўшимча саноатни яратиш эмас, балки у ҳаёт тарзидаги туб ўзгаришдир, Россияда бизнесни ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш учун янги мустаҳкам пойдеворни барпо этишдир.

Фаол технологик трансформация бу жараённинг инкор этилмайдиган механизми ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш учун қандай рақамли воситалар қўлланилади ва эртага фаол равишда жорий қилинади - тўлқинлар платформаси яратувчиси ва бош директори Александр Ивановга маълум қилади.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб

турди. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.

Иқтисодиёт ва жамиятнинг "рақамлаштириш" жараёни (инглиз тилида – digitization яъни, рақамлаштириш, баъзан эса digitalization яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради.) ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода "рақамлаштириш" жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришни англатади. ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш технологияларидир<sup>1</sup>.

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига бир қатор таърифлар берилган. Жумладан, иқтисодиёт фанлари доктори, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.Иванов "Рақамли иқтисод - ҳақиқатимизни тўлдирадиган виртуал муҳит" - деб таъриф берган.

Томск давлат университетининг профессори, Р. Мешчеряковнинг фикрича "рақамли иқтисод" атамасига иккита ёндашиш мавжуд деб ҳисоблайди. Рақамли технологиялар асосида иқтисодиётнинг ва электрон товар ва хизматлар эксклюзив домен тавсифловчи рақамли иқтисодиёт: биринчи ёндашув "классик" деб номланиб, классик мисоллар - телетиббиёт, масофавий таълим, дори-дармонларни сотиш (фильмлар, телевизорлар, китоблар ва бошқалар). Иккинчи ёндашув: "рақамли иқтисод" илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқаришдир.

М.Л. Калужский рақамли иқтисодиёт - иқтисодий интернет фаолияти, шунингдек, шакллари, усуллари, воситалари ва уни амалга ошириш алоқа муҳитидир деб таърифлаган.

Манбаларда келтирилишича "Рақамли иқтисодиёт" иқтисодиётнинг бундай тури маълум даражада амалда ишлайдиган турдаги модель ҳисобланади. Рақамли иқтисод - бу ишлаб чиқариш комплекси, инсон учун ҳаёт ва қулайликни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, у ерда маълум бир кибер-жисмоний(киберфизическая) тизим пайдо бўлади.

Фикримизча, рақамли иқтисодиёт бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин,

<sup>1</sup> Данное определение приводится, в частности, экспертами UNCTAD (The Transformative Economic Impact of Digital Technology, [http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09\\_Katz\\_en.pdf](http://unctad.org/meetings/en/Presentation/ecn162015p09_Katz_en.pdf))

яъни мантикий схемаларда намоён бўлади. Ҳаётнинг ўзи эса бу "нарсаларни" ишлаб чиқариш, тарқатиш, алмаштириш ва истеъмол қилиш тизимига айлантиришга имконият яратади. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг рухий ҳақиқатида жойлашган дунёнинг виртуал қисмидан олдин ишлаб чиқариш кучи бўлмаган, янги ғоялар ва маҳсулотлар яратилган муҳит эмас эди.

Рақамли иқтисодиёт энг аввало электрон тижорат тизимида қўриб чиқишимиз мумкин, кейинчалик интернет технологилари ривожланиши билан иқтисодиётни рақамлаштиришга корхона ва ташкилотларни иш фаолиятларини интернет орқали амалга ошириш жараёнлари киритамиз. Чунки корхоналар нафақат хизматини балки бошқарув тизимларини ҳам интернет орқали амалга оширади. Рақамли товарларни ривожлантириш улардан самарали фойда олиш, электрон, рақамли пул ўтказмаларини амалга ошириш тизимларини тадбиқ қилиш жараёнлари ҳам рақамли иқтисодиётни асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда жаҳонда криптовалюта тўлов тизимлари ривожланмоқда. Россия, СНГ давлатлари, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда криптовалюталарни ўрганиш давр талаби эканлиги айтилиб ўтилмоқда. Япония, АҚШ ва қўпчилик Европа давлатлари криптовалюта блокчейнлари билан фаолият юритишади. Иқтисодиётни ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини ривожланиши электрон тижорат тизимини янада ривожлантиришга олиб келади.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Рақамли иқтисодиёт фаолияти яқиндан ўрганилди ва маълумотлар базаси йиғилди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантикий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Рақамли иқтисодиётни элементи бўлган электрон тижорат ўзи нима деган саволга жавоб беришимиз керак. Электрон тижорат тушунчаси интернет тармоғидаги тижорат соҳасига оид фаолликни, унда олди-сотдини амалга оширилишини ифодалаш учун қўлланилади. У компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизмати кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имкониятини таъминлайди.

Рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун янги бозор қоидаларини яратиши мумкин. Бундай муҳитда компаниялар янги рақобат стратегияларини қидириши ва рақобат самарадорлигини оширишлари керак. Омон қолиш ва айни пайтда янги шароитда ривожланиш учун компаниялар рақамли ахборот технологиялар соҳасида ўз ваколатларини оширишлари керак.

Рақамли иқтисоднинг самарадорлигини ҳар бир замонавий тадқиқотчи ва тажрибали тадбиркор кўрмайди. Аҳолига таҳдид солаётган томони шундаки, рақамли иқтисоднинг энг муҳим намоёиши - роботларни ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш соҳасига кенг жорий этишдир. Сўнгги пайтларда ҳатто халқаро ташкилотлар ҳам иқтисодиётни роботлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни тушунишди, чунки роботлар деярли одамларни йўқ қилади. Башоратларга кўра, келгуси ўн йилликлар ичида

учинчи дунё аҳолисининг учдан икки қисми ишсиз бўлади. Муаммо бу мамлакатларга тегишли бўлиши тасодиф эмас, чунки бу ерда роботлаштиришга дуч келадиган моддий ишлаб чиқариш устунлик қилади.

Ўтган асрнинг охирида ҳам нақд бўлмаган рақамли пул расмийлаштирилган эди. Улар марказий банклар томонидан чиқарилган ва улар депозит пул деб аталар эди. Энди янги пул тўплами пайдо бўлади, бу шахсий рақамли пул деб аталади. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, бу одамлар учун ҳаётни осонлаштирамайди. Шу билан бирга, ёшларнинг янги технологияларга мослашиши осонроқ бўлган рақамли иқтисоддаги ёшларнинг аҳамияти катта ёшдагиларга қараганда муҳимдир.

Шубҳасиз рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлиги соҳасига таъсир қилади. Келажакда қуйидаги касблар пайдо бўлиши мумкин:

- шахсий брендни бошқарувчи;
- виртуал адвокат;
- давлат органлари вакиллари билан мулоқот платформаси модератори;
- инфостйлеист;
- рақамли лингвист;
- муддатли брокер;
- интерфейси услубчиси.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиши оқибатида миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш лозим. Институционал ёндашиш нуқтаи назаридан “Миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизими” тушунчаси мураккаб сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий тизим бўлиб, у миллий рақамли иқтисодий хавфсизликни таъминловчи объект ва субъектлар мажмуасидан иборат, бу рақамли иқтисодиёт субъектларининг миллий манфаатларини, амалдаги миллий қонунчиликни етарли даражада ҳимоя қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса давлат сиёсати, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, норасмий норма ва ижтимоий ҳуқ-қоидаларини тартибга туширувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни яратиш кераклигини билдиради.

Рақамли иқтисод, ноёб функциянинг айрим хусусиятларининг мавжудлиги сабабли классик иқтисодга хос бўлган чекловларни енгишга имкон беради:

1. Бир нечта одамлар моддий маҳсулотлардан фойдалана олмайдилар, чунки рақамли маҳсулотларнинг бундай тўсиқлари йўқ: нусха кўчириш ва чексиз одамлар доирасига тақсимланиши мумкин.

2. Материаллардан фойдаланиш пайтида фойдаланиш тақиқланади. Рақамли маҳсулотлар асл хусусиятларини йўқотмайди, шунингдек, бу хусусиятлар биргаликда ишлаш ёки алмашинув жараёнида яхшиланиши мумкин.

3. Ахборот-коммуникация майдончалари одатий савдо биноларида мавжуд бўлган майдонларнинг ҳажмига чекловлар ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатадиган мижозларнинг сони ва миқдори жиҳатидан чекланишларини олдини олади.

Иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни оқилона яратиш концептуал моделида ижтимоий-иқтисодий сектор ўсиш таҳлили фазо-вақт ривожлантириш режалаштириш усулларида турли даражадаги назорат вазифаларини муқобил шакллантириш қуйидаги натижаларга олиб келади(1-расм):

- иқтисодиётнинг ҳолати таҳлил қилинади. Бунга иқтисодий бошқарув тизимини, унинг институционал қўллаб-қувватлашини ўрганиш киради;

- деҳқончилик даражалари аниқланади;

- оқилона иқтисодиётнинг субъектлари аниқланади;

- ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган оқилона иқтисодиётнинг айрим субъектлари кўрсаткичлари аниқланади;

- кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар тўпланади;

- аниқлик ва ноаниқлик, ички ва ташқи хавфларни аниқлаш учун ўрганиш;

- институционал деформацияларнинг ички ва ташқи таҳдидларидан оқилона иқтисодиётнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тузатувчи чоралар кўрилади.

Мамлакатимизда мавжуд махсус дастурий воситалар, умумий фойдаланувдаги дастурий воситалардан ташқари махсус дастурий воситалар ҳам мавжуд. Жумладан, илмий тадқиқотлар, лойиҳалаштириш, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ёки алоҳида техник воситаларни ва технологик жараёнларни бошқариш, ташкилий, бошқарув ва иқтисодий вазифаларнинг ечими, товар (иш, хизмат)ларни сотиш ва сотиб олишни бошқариш, электрон шаклда молиявий ҳисоб-китобларни бажариш, Интернетни қўшган ҳолда глобал ахборот тармоғи орқали ташкилотингиз маълумотлар базасидан фойдаланиш, электрон ҳуқуқий-маълумотнома тизимлари, CRM-тизимлари, ERP-тизимлари, SCM-тизимлари, таҳририй-нашр тизимлар, антивирус дастурлари, ўқув дастурлари мавжуд.

Рақамли иқтисоднинг шаклланиши муайян базага эга бўлиши керак, бу қуйидагича бўлиши лозим:


- рақамли инфратузилмани ва алоқа стандартларини ишлаб чиқиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- On-Line хизматларни кенгайтириш;

- фуқаролар учун тармоқ ичидаги ва On-Line коммуникацияларга бепул киришни яратиш;

- рақамли экотизимларда ахборот оқимлари ва билимларни бошқаришни такомиллаштириш.



1.1-расм. Иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иқтисодитётни оқилона яратиш концептула модели



Рақамли иқтисодиёт ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

- ✓ Электрон тижорат тизимини;
- ✓ Корхоналарни рақамли бошқарув тизими (Yandex. Такси).
- ✓ Интернет банкинг тизими;
- ✓ Электрон тўлов тизимлари;
- ✓ Электрон аукцион тизими;
- ✓ Интеллектуал ва ахборот тизимлари;
- ✓ Виртуал хизматлар тизими ва бошқа қўплаб тизимлар

## 1.2. Электрон тижорат тушунчасининг мазмуни

Электрон тижорат – бу тижоратни аънавий турига нисбатан замонавий ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида самарадорлигкни оширишдир.<sup>2</sup>

Электрон тижорат тизимини хизматларига қуйидагилар киради:

- Электрон дўконларни яратишда қўлланилаётган дастурий таъминотлар;
- Электрон аукционларнинг ишлаш технологиясини яратишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида руйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари, жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш жараёнларидир;
- Электрон дўконлардан харид қилиш мақсадини таъминловчи тўлов тизимларини ташкил қилиш жараёнларидир.

Шуни айтиш лозимки, "Электрон тижорат" тушунчасига қатъий таъриф бериш бугунги кунда оддий иш эмас. Гап шундаки, бир томондан, оммавий ахборот воситаларида ва таниқли нашриётларда электрон тижорат товарларни Интернет ишлатиш орқали сотиб олиш, дея таърифланади. Иккинчи тарафдан, ихтисослаштирилган нашриётларда электрон тижоратни жуда кўп таърифлари келтириладики, уларда ушбу глобал ходисанинг у ёки бу хусусияти кирралари қайд этилади. Умумий ҳолда бу ерда "Электрон" ва "тижорат" сўзларини ташкил этувчилари бутунги кун ҳисоби билан қандай маъно беришини билиб олиш лозим. Шундан келиб чиқиб, электрон тижорат тушунчаларини амалий нуқтаи назардан аниқлаштириш билан чегараланамиз.

Электрон тижорат тушунчаси остида товар буюртмасини қабул қилиш, тўловни амалга ошириш, товар (хизмат бажарилиши) етказиб берилишидаги бошқарувда қатнашувни ўз ичига олувчи операцияларнинг (амаллар) ёпиқ сиклли технологияси тушунилади. Ушбу амаллар (операциялар) ахборот технологиялари ва электрон воситалар ёрдамида ўтказилиб, эгаллик этиш ёки ишлатиш ҳуқуқини бир юридик (жисмоний) шахсдан иккинчисига ўтиши таъминланади.

Келтирилган таъриф электрон тижоратнинг "идеал" тушунчасини ёки

<sup>2</sup> А.Т.Кенжабаев, М.Ю.Жуманиязова. Электрон бизнес асослари. Ўқув-қўлланма. "МОЛИЯ-ИҚТИСОД".Т.:–2008.–267 бет

бошқа сўзлар билан электрон тижорат тизимларини ташкил этишда интилиши лозим бўлган мақсадни ўзида акс эттиради. Ҳақиқатда бугунги кунда фақат кенг ривожланган электрон тижорат тизимларигина барча тижорат келишувлар тўлиқ ёпиқ амалларни (операциялар) электрон йўл билан ўтишини таъминлайди. Кейинчалик эса биз шунга амин бўламизки, электрон тижорат синфига кирувчи деб қабул қилинган тизимларнинг асосий қисми операциялар (амаллар) бажарилишининг электрон ва одатий усуллари, масалан товар ва хизматлар тўловини ўз ичига олади. Юқорида келтирилган таърифда "савдо" ва "Интернет" сўзлари йўқ бўлишига сабаб шуки, электрон тижоратда савдо хусусий ҳолат ва Интернет электрон тижоратни киритиш бўйича ахборот технологиялари воситаларидан бири ҳисобланади. Электрон тижоратда Интернет имкониятлари 90 -йиллардан фаол ишлатила бошлади. Электрон тижоратнинг ўзи эса бундан узунроқ тарихга эга.

Электрон тижорат тушунчасининг пайдо бўлиши 1948 йилда Ғарбий Берлинни керакли материал -техник хом ашё билан таъминлаш учун Ғарбий мамлакатлар томонидан бунёд этилган авиа кўприкни ташкиллашгириш ишларида қўлланилган амалиёт билан боғланади. Ушбу кўприк деярли 11 ой фаолият кўрсатиб, шаҳар эҳтиёжлари тўғрисида жуда тез ва аниқ маълумотлар узатилишини талаб қилган.

Агар Берлин авиа кўпригини электрон тижоратнинг пайдо бўлиш нуқтаси ёки алоҳида эпизоди ҳисобида кўрсак, 30 йиллик АТ&Т корпорацияси лойиҳасининг иш фаолияти бошланишини электрон тижорат тизими фаолиятининг бошланиши, дея ҳисоблаш мумкин. Лойиҳанинг асосий ғояси АТ&Т корпорацияси телефон чақирувларини оператор орқали қайта ишловнинг нархини камайтириш учун чақирилган абонентлар шаҳарлараро сўзлашув учун ҳисобини автоматик усули кашф этилганлигида ва патентланганлигида ташкил топди ва бу ўз навбатида, 800 талик рақамлар хизматининг ташкил топилишига асос бўлди. АҚШда мисол учун, ҳар йили бу хизмат орқали 100 млрд. долларлик шартнома тузилади.

2006 йил ҳисоб-китобларига кўра, АҚШда электрон тижорат ҳажми 100 миллиард доллардан ошиб кетган. Европада эса бу кўрсаткич 130 миллиард долларга етганлиги тахмин қилинмоқда.

Россия ва МДҲ давлатларида On-line бизнеснинг товар айланиш ҳажми ҳали унчалик катта эмас. Экспертларнинг баҳолашича, 2006 йил сўнгида у 1,55 миллиард долларга тенглашган бўлса-да, ўсиш суръати йилига 30-50 фоизни ташкил этмоқда.

Интернет тармоғи пайдо бўлгунча бир неча йиллар давомида электрон тижорат турли хил маълумотларни узатиш электрон тизимларида асосланган. EDI (Electronic Data Interchange - маълумотлар электрон алмашинуви), EFT (Electronic Funds Transfer-фондларнинг электрон алмашинуви), E-Mail (Electronic Mail - электрон почта) электрон тижорат тизимларининг бутун бир қаторида юқоридаги маълумотларни алмашиш ташкилий усулларида ҳозирда ҳам фойдаланилади. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунёда тарқалиши учун энг истиқболли восита бўлишига қарамадан, электрон

тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллаб олмайди.

Бироқ айнан глобал тармоқ электрон тижоратнинг ривожланишига каттиқ туртки берди ва у катта корпорацияларгагина эмас, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ҳамда алоҳида шахсларга ҳам фойдаланиш имкониятини берди. Бу билан эса етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирасини электрон тижоратга жалб этиш мумкин бўлди. Электрон тижорат кундан - кунга товар ва хизматлар ассортиментини ошира бошлаган сари алоҳида шахсларни, корхоналарни, соҳаларни, давлат муассасаларини ва ниҳоят давлатларни бир ҳамжамиятга бирлаштириб, ҳамкорларнинг ўзаро таъсири ахборот ва телекоммуникацион технологиялар ёрдамида самарали ва тўсиқларсиз рўй беришига имкон берди.

*Электрон бизнес* – бу бизнесни анъанавий турларига нисбатан юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида энг илғор ахборот технологиялари ва коммуникация муҳитидан фойдаланишдир.

Электрон тижорат ўз - ўзидан товар ва хизматларни реализациялаш ва етказиб бериш шартномаларини тузишда 2 та: моддий ва номоддий оқимлар, оқим хизмати билан боғлиқ: Номоддий оқимлар номоддий товарлар (дастурий таъминот, бино лойиҳалари ва б.) ни тўғридан - тўғри тармоқли узатиш, моддий хизматлар (транспорт чипталари, меҳмонхоналарда хоналар ва х.з. буюртмаси)нинг тўғридан - тўғри тармоқли бажарилиши, ҳамкорлар (мижозлар, буюртмачилар, етказиб берувчилар, субпудратчилар, банклар ва б.) билан молиявий тармоқли ҳисоботлар, моддий хизматларни етказиб беришни ахборот ва телекоммуникацион қўллаб - қувватлаш натижасида юзага келади. Бундай оқимлар у ёки бу виртуал тижорат фаолияти натижасида умумий оқимларнинг сезиларли, баъзида эса жуда катта қисмини ташкил этади. Табиийки, номоддий оқимларга хизмат кўрсатишда электр воситаларнинг ишлатилиши иш жараёнларини тезлаштиришга, оқибатда, электрон тижоратнинг ривожланишига олиб келади.

### **Назорат учун саволлар.**

1. Рақамли иқтисодиёт нима?
2. Электрон тижорат нима?
3. Электрон бизнес нима?
4. Электрон тижорат қаерда ва қачон пайдо бўлган?
5. Электрон тижорат тизимини хизматларига нималар киради?

### **Адабиётлар**

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.

2. Pul, kredit va banklar: 5340700 - "Bank ishi" ta'lim yonalishi talabalari uchun darslik / O. Yu. Rashidov va boshq. - T. : Cho'lpon nom. nashr.-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 328 b. - (O'z R oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi). - Adabiyot.: b. 323.

3. Раҳманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.- 175 б.

4. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-0035521502>.

Efficient fair payment system by electronic wallet(Article) [Chen, K.](#), [Yang, B.](#), [Wang, Y.-M.](#), [Xiao, G.-Z.](#) State Key Lab. of ISN, Inst. of Info. and Privacy, Xidian Univ., Xi'an 710071, China

5. 26. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84928896031>

A Study of Consumer Concerns and Issues of Electronic Payments in India(Article) [Gupta, M.](#), [Sareen, R.](#) Department of Management Studies, Indian Institute of Technology, New Delhi, India GE Capital, Gurgaon (Haryana), India Volume 2, Issue 1, 9 February 2001, Pages 101-119

## **2-мавзу: Электрон тижорат юриштининг секторлари (2 соат).**

### **Режа:**

- 2.1. Электрон тижорат юриштининг андозалари.
- 2.2. Электрон тижоратда тўлов тизимлари.
- 2.3. Электрон тижорат тамойиллари.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Давлат (Government), Корхона (Business), Мижоз, истеъмолчи (Consumer), Ҳамкор (Partner), Корхона ходими (Executive, Employee), B2B, B2C, виртуал савдо майдончаси, Buyee – driven, Supplier – driven, Third - party – driven, EIP - Enterprise Information Portal, пластик карточкалар, Cybeq Cash; Open Magket; Fist Virtual, Рақамли нақд пул, City Bank, Digi Cash, Россия Poy Cash, Web Money, Интернетбанкинг, Уй банки, PayNet, FastPay, UniPay, E-pay, Ekarmon*

### **2.1. Электрон тижорат юриштининг андозалари.**

Ҳозирги электрон тижорат юриштининг турли хил андозалари қарийб ҳамма мамлакатларда, иқтисодиётларнинг турли соҳаларида, турли хил ҳажмдаги корхоналарда, шунингдек давлат муассасалари ва турли даражадаги ваколатли қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимият органларида тарқалмоқда. Бу андозаларнинг умумий -қабул қилинган таснифи асосига шартли равишда мол етказиб берувчи ва харидор деб номлаш мумкин бўлган электрон тижоратнинг ўзаро алоқадор томонлари турлари қўйилган. Бу тавсифнинг мазмуни шундан иборатки, электрон тижоратни юришти андозалари мол етказиб берувчи ва харидорларнинг аниқ турларига қараб фарқланади.

Товар етказиб берувчи ва харидорлар туркумига қуйидагилар киради:

Давлат (Government)

Корхона (Business)

Мижоз, истеъмолчи (Consumer)

Ҳамкор (Partner)

Корхона ходими (Executive, Employee).

Андоза белгиланиши товар етказиб берувчи ва харидор номланишидан тузилади. Мисол: Инглиз тилида (Business to business) ёки ўзбек тилида (корхона-корхона) Business to consumer-корхона-истеъмолчи. Андозанинг қисқартирилган белгиланиши сотувчи ва харидорнинг инглиз тилидаги номлари бош харфидан тузилади ва улар ўртасида 2 рақам қўйилади. Ҳозирги вақтда иқтисодий ривожланган мамлакатда турли хил даражада қуйидаги андозалардан фойдаланилади: B2B, B2C, B2P, B2E, C2B.C2C, B2G, G2P, G2B: (давлат - корхона) ва P2G (ҳамкор - давлат).

**"Корхона -корхона" андозаси хусусиятлари.**

"Идеал" ҳолатда B2B андоза бўйича электрон тижорат юритиш тадбиркорларнинг автоматик ўзаро алоқадорлигини кўзда тутди. Хорижда B2B андозаси 30 йил олдин пайдо бўлган ва кенг тарқалган. B2B андозасидан фойдаланишнинг 2 кўриниши бор:

**Биринчидан:** 2 ёки ундан ортиқ корхоналар ўзаро турли хил шартномалар тузади.

Мисол: корхоналар Интернет орқали шартнома тузишда ўз тақлифларини юборишлари, ҳисоб варақаларини қабул қилишлари ва тўловларни амалга оширишлари мумкин.

**Иккинчидан:** B2B секторида электрон тижорат юритишнинг ривожланган тизимларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, корпоратив ахборот тизимлари билан интеграция ҳисобланади. Шундай қилиб, истиқболда, нафақат харид ва сотув жараёнининг автоматлашуви, балки корхона бошқарувининг комплекс автоматлашуви масалалари ечими ҳам таъминланади.

**Корхона - истеъмолчи андозасининг хусусиятлари.**

B2C андозадан корхона ўз товар ва хизматларни бевосита якуний истеъмолчига сотаётганида фойдаланилади. Концептуал нуқтаи назардан бу андоза олдингига нисбатан аниқроқ ва кенг омма учун тушунарлироқ, шунинг учун ҳам ҳозирда у оммавий ахборот воситаларида энг кўп тарқалган. Бу андоза доирасида ишлайдиган йирик корхоналарга мисол бўлиб, [Amazon.com](https://www.amazon.com) ҳисобланиши мумкин, у дунё бўйича 30 млн.дан ортиқ миқдорга эга бўлган, китобларни улгуржи сотуви билан шуғулланувчи америка фирмаси. Ўз фаолиятини кенгайтириш жараёнида Amazon.com дунёнинг исталган мамлакатдаги истеъмолчиларга товар етказиб беришни таъминлайдиган сотув тармоғининг янги андозасини яратди, B2C мос ҳудудда тўловларни амалга ошириш имконияти ва Интернетга уланиш масалаларини ечиш шарти билан йирик шаҳарлар ва узоқроқ ҳудудларда яшовчи истеъмолчилар орасида товар ва хизматларга етишишдаги фарқни тенглаштиришга имкон беради.

B2B ва B2C орасида принципиал фарқ мавжуд. Буни қуйидаги жадвалда яққол кўришимиз мумкин.

Критериялар	B2B	B2C
Харидлар ўртача суммаси	\$50 000 - \$75 000	\$50 - \$100
Харид нархлари ва усуллари	<input type="checkbox"/> Келишилган <input type="checkbox"/> Узоқ муддатли шартномалар <input type="checkbox"/> Аукционлар <input type="checkbox"/> Каталоглар бўйича	<input type="checkbox"/> Асосан каталоглар бўйича <input type="checkbox"/> Белгиланган <input type="checkbox"/> Бир қисми аукционлар
Тўлов	<input type="checkbox"/> Кредит карталари <input type="checkbox"/> Банк ўтказмалари (электрон ўтказмалар)	<input type="checkbox"/> Кредит карталар
Қарор қабул қилувчи шахс	<input type="checkbox"/> Ташкилотдаги масъул структура	<input type="checkbox"/> Индивидуал қарор, баъзида оила аъзолари иштирокида
Асосий критериялар	<input type="checkbox"/> Нарх <input type="checkbox"/> Қиймат <input type="checkbox"/> Етказиб бериш <input type="checkbox"/> Сифат <input type="checkbox"/> Кузатиб бориш	<input type="checkbox"/> Марка <input type="checkbox"/> «Оғиздан оғизга» (оғзаки) ахборот <input type="checkbox"/> Реклама, нарх
Буюртма бажарилиши, етказиб бериш	<input type="checkbox"/> Ўта муҳим; етказиб бериш графиги келишилган бўлиши керак.	<input type="checkbox"/> Кутиш эҳтимоли бор, унчалик муҳим эмас.

Умуман олганда, электрон тижорат виртуал савдо майдончаси, деганда шундай жой тушуниладики, у ерда сотувчи ва харидор ўртасида шартнома тузилади ва молиявий олди - сотти амаллари ўтказилади. Виртуал савдо майдончалари 3 кўринишда бўлади.


- 1 харидор томонидан ташкил этиладиган (буер-дривен);
- 2 сотувчилар томонидан ташкил этиладиган (супплиер-дривен ёки селлер дивен);
- 3 учинчи шахс томонидан ташкил этиладиган (тхирд-партй-дривен);

У ёки бу кўринишдаги электрон тижорат савдо майдончаларини ташкил этиш одатда харидор ва сотувчиларнинг шу соҳадаги фаолиятига таъсир этиш даражаси билан белгилаилади.

*Buyer - driven* кўринишдаги майдончалар бир ёки бир неча йирик компаниялар томонидан ташкил этилади ва кўпгина товар буюрувчилар компаниясини жалб этишга қаратилган. Савдо майдончаларининг бу концепцияси йирик компанияларнинг сотиб олиш жараёнини оптималлаштириш, буюртмаларни етказиб бериш тармоғи ва савдо контактларини кенгайтиришга бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ.

*Supplier - driven* кўринишидаги майдончалар сотувчилар томонидан ташкил қилиниб, мижозлар сонини кўпайтиришга ва хизмат кўрсатиш ёки маҳсулотни сотиш бўйича харажатларни камайтиришга қаратилган.

*Third - party - driven* кўринишидаги майдончалар харидор ва сотувчиларни учраштириш масъулиятини олади. Одатда, бундай майдончалар бизнеснинг маълум секторида ва унда бўладиган жараёнларда яхши мўлжал оладиган томонидан ташкил қилинади. Ҳақиқатда бундай майдонча тузувчи сотувчи ва харидор ўртасида ўзига хос даллол вазифасини ўтайди. Бугунги кунда виртуал савдо майдончаларини ташкил этишнинг 3 асосий кўринишини ажратиб кўрсатиш мумкин: каталог, аукцион ва биржа.



2.1-расм. Электрон бизнес технологиялари (сотиш/ Сбит)


Ташкилот тўлиқлигича электрон бизнес вазифаларини амалга ошириш учун корпоратив порталлар (EIP - Enterprise Information Portal – дастурий аппарат комплекси) яратадилар. Улар ишчилар, мижозлар, ҳамкорларга ташкилотнинг турли ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишга имкон яратади. Бу ахборот ресурслари: дастурлар, корпоратив ва бошқа маълумотлар, ташкилот ва корхоналар вазифалари ва мақсадлари билан мос келувчи, таклиф қилинувчи хизматлар (қидирув тизимлари, электрон почта ёки эълонлар электрон тахтачаси, буюртмани бажариш жараёни олиб борувчи буюртма тизими ёки назорат тизими). Иш мазмунига кўра портал нафақат ташқи иқтисодий муҳит билан алоқани амалга оширади, балки ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, таъминотчилар ўртасида ўзаро

муносабатлар мухитини яратади. Масалан, харидлар ёки таъминот тизимлари техник-материал ресурсларга эҳтиёжлари ҳақида ахборот жойлаштиришга, таъминотчилар қидириш ва улардан тижорат таклифларини олиш, тендерлар тақилоти ва бошқалар учун имкон яратади (расм -1). Барча маълумот тизимда стандартлаштирилган каталогга мос равишда синфлаштирилади ва сақланади.

Бозор иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг шакллари:


**Электрон савдо майдончалари.**

Электрон бизнес тизимларида ўзига хос ролни электрон савдо майдончалари (*e-marketplaces*) ўйнайди. Бизнеснинг B2B моделида савдо майдончалари иштирокчиларга бир нечта асосий вазифаларни таъминлайдилар. Биринчи вазифа – бу умумий аппарат ва дастурий асос(платформа)да таъминотчи ва истеъмолчиларга маълумотлар етказиш.



2.2-расм. Электрон бизнес технологиялари (таъминот)






2.3-расм. Электрон бизнес технологиялари (таъминот)

Бу орқали савдо компаниялари зарурий ахборотларни таъминлайдиган транзакцияларни бажаради. Бошқа бир вазифа – он-лайн тўлов, логистика ва динамик савдо имконияти каби хизматлар таклифи. Савдо майдончаларининг яна бир вазифаси – лимитлаш, бюджетлаш, кредитлаш ва йиғма чегирмалар механизмларини тақдим этиш (расм – 2.2). Ҳозирги кунда электрон савдо майдончалари жўшқин ривожланиш босқичидадир. Электрон савдо майдончалари турларини, ташкиллаштириш моделларини, бошқарув хусусиятларини ва мисолларни кенгроқ кўриб чиқамиз. Электрон савдо майдончалари икки асосий йўналиш бўйича ривожланади. Ё тор соҳага, ё

соҳалараро жараёнларга йўналиб, мос равишда ё вертикал, ё горизонтал бирлашмаларни ҳосил қилади.

Горизонтал бирлашмалар функционал жараёнлар молиявий ҳисоб, логистика, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, кадрлар билан ишлаш ва бошқалар автоматизацияси бўйича ечимлар таклиф қилган ҳолда турли соҳаларни қамраб олади.



2.4-расм. Электрон бизнес технологиялари (таъминот)

## 2.2. Электрон тижоратда тўлов тизимлари

Исталган тижорат шартномаларининг охириги босқичи давлатда юритилаётган тўлов тизимларидан бири асосида ҳисоб - китоб қилиш билан яқунланади.

Бу тўлов тизимларини тўлов тизимлар технологиясининг таснифи дейиш тўғрироқ. Чунки, ҳақиқатда ишлаётган тизимлар кўпинча юқорида айтиб ўтилган механизмларни хар хил комбинацияда ишлатишади.

Кредитли схемалар ишлатиш билан амалга ошириладиган тўлов тизимлари.

Кредит карточкаларини тўлов воситасида ишлатадиган тизимлар

ҳозирги вақтда дунё миқёсидаги тўлов тизимлари орасида энг юқори ўринда туради. Интернетда ҳисоб - китобга пластик карточкалар ишлатишнинг ютуғи уларнинг кўп жихатдан анъанавий тўлов тизимлари билан ўхшашлигидандир. Бундай ҳолатда Интернет маълумот узатишнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш технологиялари билан амалга оширишда ишлатилади. Бу тизимларга Cyber Cash; Open Market; First Virtual ва бошқа бир қатор тўлов тизимлари киради. SSL протоколи билан бир қаторда шу каби тизимларда ахборот алмашинувида маълумот узатишнинг SET протоколи (Secure Electronic Transaction) ишлатилади ва у кредит карточкалари рақамларини ишончли ҳимоялашни таъминлайди.

Истеъмолчи нуктаи назаридан қараганда кредит тизимининг асосий камчиликлари куйидагилар:

- транзакция ўтказишга харажатларни кўпайтирувчи мижознинг тўловқобилиятини текшириш ва карточканинг авторизациясини текшириш зарурати. Чунки ҳар бир транзакцияга карточка эмитенти транзакциясуммасидан 1,5 - 3% олади, лекин у 20% дан ошмайди. Акс ҳолда эса, товарлар тўловини куйи диапазонда ўтказиш ҳеч қандай самара бермайди;

- анонимнинг йўқлиги, савдо тизимлари томонидан мажбурий сервис;
- кредит, карточкада ишловчй элкетрон дўконлар сонининг чекланганлиги;

- кредит ҳисоби очишнинг кераклиги;

Дебит тизими (Net Cash, Net Bill ва бошқалар) чек ёки нақд пулларнинг рақамли эквивалентини ишлатишга асосланган. Дебитли схемалар ишлатиш билан амалга ошириладиган тўлов тизимлари. Бунда рақамли нақд пулга асосланган дебит тизими 3-шахс томонидан тасдиқлашни талаб қилмайди, уларни ишлатиш баҳоси (нархи) "0" га интилади, яъни буни микро тўловларда ишлатиш қулай.

Рақамли нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўлов тизими

Рақамли нақд пуллар Интернетда ҳисоб - китобнинг янги тури ҳисобланади.

"Рақамли нақд пул" термини электрон тўлов тизими категориясини аниқлайди. Улар нақд пулларни реал ҳаётдан Интернет ҳаётига ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Рақамли нақд пуллар –бу жуда катта сонлар ёки файллар бўлиб, улар белгилар функциясини бажаришади ва бошқа тўлов тизимларидан фарқли ўлароқ, бу файллар шу пулларнинг ўзи ҳисобланади.

Анъанавий жисмоний нақд пулларга қараганда рақамли нақд пуллар бир қанча афзалликларга эга. Масалан, уни ишлатиш хўжайинига аноним даражасида бошқаришни таъминлаб беради, бу компьютер жиноятларига қарши курашда муҳим аҳамиятга эга.

Электрон нақд пуллар оқимини реал вақт режимида қидириб топиш мумкин, жисмоний нақд пулларда эса буни умуман амалга ошириб бўлмайди. Рақамли нақд пуллар тизимини ишончли тарзда ишлатишни

замонавий криптография усуллари таъминлаб беради. Бундай тизимлар фаолият кўрсатиши учун бўлган харажатлар минималдир.

Ундан ташқари, схемаларда кредит карталари ҳисоб - китобининг йўқлиги уларни микро тўловларда ишлатишга имкон беради. Рақамли нақд пуллар маъносига кўра дебит тизимларига киради. Рақамли нақд пулларда ишлашни ривожлантирган компанияларга City Bank, Digi Cash, Россия Poу Cash, Web Money киради. Бугунги кунда рақамли пуллар ишлатишда 2 та асосий тўлов конструкциялари бор:

- (Digi Cash) профессор Д. Чаумтомонидан ишлаб чиқарилган тўловларга қатилган;

- Mondex корпорациясининг электрон пуллари, тўлов автономга эга ва авторизацияга муҳтож эмас.

Интернет-банкнинг. Тўлов тизимлари орасида алоҳида гуруҳ Интернет - банкнинг функциясини бажарувчи тизими, яъни Интернет орқали банк операцияни амалга ошириши ҳисобланади.

Уларни ўтказишга имкон берадиган операциялар ўзига банк ҳисобларини бошқариш бўйича ҳамма хизматларни қамраб олади. Россияда ҳозир Интернет банкига "Автобанк ", "Гута -банк" ва КБ "Градо Банк" банклар тизими ва бошқалар киради.

Умуман олганда, рақамли нақд пуллар билан ишлашга мўлжалланган тўлов тизимлари ҳозирги вақтда SET - қўшма тизимлар билан рақобатлашадилар ва электрон тижоратга ва тўлов тизимига жалб этилган кўпгина компаниялар иккиланиб қоладилар. SET схемаси бўйича тўловми ёки электрон нақд пуллар тўлови яхшими?

Бир мунча вақт олдин ҳамма электрон нақд пуллар афзаллигига ишонган бўлса, ҳозир аксинча, консерватив кредитлар уларни сиқиб чиқармоқда.

Россияда электрон тижорат тўлов тизимлари.

Россияда электрон тижоратнинг ривожланишини таъминлаётган электрон тўловларни амалга оширишда реал иштирок этаётган асосий тўлов тизимларини кўриб чиқамиз.

Cyber Plat. Бу тизим (<http://www.cyberplat.ru>) Россиядаги I тўлов тизим ларидан бири бўлиб, (CyberPlat концепцияси асосида дебитлаш схемаси ётади ва келажакда Интернет -банкнинг имкониятлари пайдо бўлади). Интернет -тижоратнинг корпоратив секторида ҳисоб воситаси сифатида ривожланипти (B2B электрон тижорат модели). Лекин бу тизим жисмоний шахсларни жалб қилишга ҳам имконият яратяпти. Бу тизим Интернетда реал пуллар билан бир вақтда нақд пулсиз ҳисобни ҳам амалга оширади, Интернет - дўконларда олди -сотди ҳисоб - китоби мижозларнинг "Платина" банкидаги ҳисоб варақасида ҳам, ихтиёрий банкнинг кредит карточкаларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳамма маълумот алмашинувлар Интернет тармоғида амалга оширилади.

Assist. Ассист тизими (<http://www.assist.ru>) 1999 йил апрелда ишга тушган бўлиб, у Интернетга уланган ихтиёрий компьютерда Интернет

провайдерлари мижозларнинг шахсий ҳисоб варақаларидан ёки кредит карточкаларидан "Oline" режимида авторизация ўтказиш ва тўловларни қайта ишлаш имконини яратади.

Assist тизими орқали Интернет дўконда олди - сотдини ҳисоб - китоб қилиш учун "Visa, Euro, Card, Master Card, Dinners Club, 7CB, American Express лардан кредит карточкага эга бўлиш ёки йирик Интернет провайдерлардан бирининг мижози бўлиш керак. Шундай қилиб, Assist асосан кредит карточкалари орқали ишловчи тизим бўлиб, ўзида дебит схемасининг баъзи элементларини ҳам мужассамлаштирган. Assist web - сайти маълумотларига қараганда 60 дан ортиқ корхоналар бу тизимдан фойдаланадилар.

Web Money (<http://www.webmoney.ru>). Web Money тизими ихтиёрий Интернетдан фойдаланувчига хавфсиз нақд пулли тўловларни амалга оширишга, "On -line" режимида Web -топиш дейилувчи электрон нақд пуллар билан ҳисоб -китоб қилишга имкон беради. Россияда тизимни ишлаб чиқиш ва техник қўллаш билан "Вм - центр" ташкилоти шуғулланади ва у Web Money дан фойдаланувчиларни бирлаштиради. Тизимнинг мижозлари Интернет - дўконлар ва уларнинг истеъмолчилари ҳисобланадилар. Бир томондан қараганда булар Интернет -дўконлар, бошқа томондан эса, ҳисоб -китоб қилишнинг анъанавий усулидан фойдаланилмайдиган ёки имконияти йўқ, ихтиёрий Интернетдан фойдаланувчилар ҳисобланади.

Уй банки. Автобанкнинг Интернет банкинг тизими "Уй банки" дейилади ва у шахсий корхоналарнинг банкдаги реал ҳисоб рақамларини Интернет орқали бошқариш ҳисобланади. "Уй банки" ўз фойдаланувчиларига 24 соат давомида, реал вақт режимида ер юзининг ихтиёрий нуқтасидан тўлиқ банк хизматини яратиш беради.

"Уй банки" Интернет орқали реал вақт режимида қуйидаги операцияларни бажариш имконини беради:


- доллар \$ олиш ва сотиш;
- коммунал хизматларни тўлаш;
- ички ва банклараро пул ўтказишни амалга ошириш;
- Интернет - провайдерлар ҳисобларини тўлаш;
- депозитлар очиш;
- карточкали ҳисобларни тўлдириш.

2008 йилга келиб Ўзбекистонда PayNet, FastPay, UniPay, E-pay, Ecarton каби тўлов тизимлари фаолият юритмоқдалар. Улар орасида фақат Ecarton орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконияти бор. Унда бошқа тизимлар ўз пунктларига эга бўлиб, улар орқали маълум бир ҳисоб рақамига пул ўтказишингиз мумкин. Масалан, PayNet тизими кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда унинг Ўзбекистон бўйича барча вилоят ва шаҳарларида 9000 га яқин тўлов пунктлари мавжуд. Бу пунктлар орқали мижоз мобил телефон ва хўжалик хизматлари учун (газ, электр, сув в.х.) тўловларни амалга ошириши мумкин.

Мижоз PayNet билан ишлаганда унинг ихтиёрий пунктига кириб, оператор ёки провайдер номини, провайдер томонидан ўрнатилган хизмат номинали ёки телефон рақамини айтади ва нақд пул бериш билан амалга оширади. Мижоздан қабул қилинган тўлов ҳақидаги маълумот PayNet тизимига узатилади. Бу тизимда мос келувчи провайдерга маълумотлар маршрутизацияси юз беради. PayNet тизимининг транзакцияси якунида мижозга мўлжалланган ахборот чеки босмадан чиқарилади. Агент пул маблағларини PayNet ҳисобига мижоздан қабул қилган тўловлари асосида ўтказди. Қабул қилинган тўловлар оператор ёки провайдер биллингида ҳам ёзиб қўйилади. Агент қабул қилинган тўловлар асосида оператор ёки провайдер ҳисобига пул ўтказди. Шундан сўнг провайдер ёки телефон оператори мижоз учун хизматни амалга оширади. Агар мижоз мобил телефон учун пул тўлаган бўлса, оператор томонидан унга ҳисоб тўлдирилганлиги ҳақида SMS хабарини юборади.

Е-рау электрон тўлов тизими 2007 йил июнь ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўловлар ҳозирда **Perfectum Mobile**, **Beeline** ва **COSCOM** уяли алоқа хизматлари учун қабул қилинмоқда. Яқин вақт ичида бошқа уяли алоқа операторлари хизматлари учун ҳам тўловларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Тўловлар агентлар тармоғи орқали амалга оширилади. Тизимнинг афзаллиги уланиш осонлиги ва депозит 50 минг сўм эканлигидир. Бундан ташқари, тизим сайти **TAS-IX** тармоғида жойлашган. Бу эса агентларнинг Интернет трафигини тежашга ёрдам беради.

Е-рау тўлов тизими “Online-Servis-Biznes” (OSB) масъулияти чекланган жамият томонидан ишлаб чиқилган ва OSB компаниясининг хизматидир. Тўлов тизими билан боғлиқ барча шартномалар, ҳуқуқий ва молиявий масалалар OSB томонидан ҳал қилинади. Компания ўз фаолиятини 2006 йилдан бошлаган. Шу вақт ичида OSB мутахассислари Е-рау тизимини ишлаб чиқиб, 2007 йил июн ойидан бошлаб ишга туширдилар. Бу тизим қулайлиги ва хавфсизлиги бўйича барча жаҳон стандартларига жавоб беради. Компания фалсафаси мижозларга, компания хизматчиларига ҳурмат билан муомала қилиш ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Қуйида тизим иштирокчиларининг ҳамкорлигини кўрсатувчи тасвирни кўришингиз мумкин.



2.4-расм. E-pay тизими иштирокчилари ҳамкорлик схемаси

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси озиқ овқат маҳсулотларидан маиший ва компьютер технологияларигача бўлган товарларни харид қилиш, мобил алоқа, Интернет, телефония ва коммунал хизматлари учун ҳақ тўлаш, шунингдек, кино, театрларга чипталарни уй ёки офислардан чиқмаган ҳолда харид қилиш имкониятига эга бўлади. Эндиликда қимматли вақт ва асабларни сарфлаб дўкондан дуконга бориб, у ёки бу товарни қидириш ҳожати қолмайди. Ушбу масалаларни яқин келажакда ишга тушувчи ва бир кунда 24 соат, ҳафтасига 7 кун узлуксиз хизмат қилувчи “eKarmon” электрон тўловлар тизими ҳал этади.

Ахборот-коммуникация, мобил ва интернет-технологиялари соҳасида дастурий ечимлар ишлаб чиқарувчи «Multisoft Solutions» маҳаллий компанияси 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 июндаги 120-сонли «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ “eKarmon” электрон тўловлар тизимини ишлаб чиқди. Айни вақтда мазкур

тизим интернет-дўконлар ёрдамида электрон тўловларни ўтказиш бўйича «бошланғич лойиҳа» сифатида тақдим этилмоқда.

«eKarmon» тизими Интернет тармоғи орқали аҳолига товарларни харид қилиш, хизматлар учун тўловларни амалга ошириш, шу жумладан уяли алоқа операторлари, интернет провайдерлар, халқаро ва шаҳар телефонлари, ҳамда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш имконини бермоқда. Ушбу тизим миллий валюта - сўмга боғланган бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Учинчи шахсларнинг тизимга ижозатсиз киришидан ишончлилиги ва ҳимоясининг гарови, Электрон рақамли имзоланининг (ЭРИ) қўлланилиши саналади. ЭРИ 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, электрон ҳужжатдаги ЭРИ айна бир вақтнинг ўзида қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эга. ЭРИдан «eKarmon» тизимига киришда, ҳамда реал вақт режимида тўловларни амалга оширишда фойдаланилади. Бунинг учун тизим фойдаланувчиларига «Multisoft Solutions» компаниясининг ЭРИ калитларини Рўйхатга олувчи маркази (РОМ) томонидан ЭРИ калитининг сертификати берилади.

Эслатиб ўтиш жоизки, яқинда компания РОМи, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат рўйхатидан ўтди. ЭРИни қўлланилиши, анъанавий «парол ва логин»лардан фойдаланиш методларига нисбатан, назария ва амалиётда устун деб исботланган. «eKarmon» тизимида қўлланилувчи ЭРИнинг сирли калитининг узунлиги 2048 битни ташкил қилади; демак, бугунги кунда ЭРИ калитларининг хар қандай компрометацияси олди олинади. «eKarmon» тизимининг аъзоси бўлиш учун, ушбу тизимнинг [www.ekarmon.uz](http://www.ekarmon.uz) Интернет сайтида рўйхатдан ўтиб, «eKarmon» Агентлари шаҳобчаларда идентификациядан ўтиш ва тизим томонидан берилган ўз электрон ҳисобини тўлдириши лозим. Тизимда электрон рақамли имзоларни тўлдириш қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

- тизим Агентлари кассаларига нақд пул маблағларини киритиш йўли билан (фақат жисмоний шахслар учун). Фойдаланувчининг исм-шарифи, электрон ҳисоб рақами текширувдан ўтказилаганадан сўнг, киритилган сумма ҳақида чек топширилади;

- ўзининг банк ҳисобидан «eKarmon» тизимининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда пул маблағлари тизим фойдаланувчиларининг электрон ҳисобларида автоматик тарзда акс эттирилади. Айнан ушбу маблағлардан, фойдаланувчилар уй ёки офислардан ташқарига чиқмай бутун республика бўйича товар ва хизматлар (кино, театр, ҳаво ва темир йўл транспорти учун чипталар, кийим кечак, озиқ-овқат, кредит ва х.к) учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўладилар. Реал вақт режимида товар ва хизматларини таклиф этиш истагида бўлган хўжалик субъектлар ҳам «eKarmon» тизимида алоҳида рўйхатдан ўтишлари лозим. Уларга «eKarmon» тизими орқали



электрон савдони амалга оширишларида фойдаланиш учун ЭРИ калитларининг сертификатлари РОМ томонидан топширилади.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг уланиши, уларнинг интернет-сайтлари, интернет-дўконлари ёки савдо майдонларининг «eKarmon» интернет-тўловлари тизимига уланиши орқали амалга оширилади. «eKarmon» тизимида товар ва хизматлар «онлайн» режимда сотилишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ электрон ҳужжат шаклида тузилган келишув назарда тутилган. «eKarmon» тизимининг қўшимча функциялари қаторида, битта фойдаланувчининг электрон ҳисобидан иккинчи фойдаланувчининг электрон ҳисобига маблағларни ўтказиш, тизим аъзоларини баҳолаш (аттестация) ҳамда фойдаланувчиларнинг пул маблағларини банк ҳисоб рақамларига чиқариш каби имкониятлар ҳам мавжуд.

Аҳолига ишончли, хавфсиз ва максимал даражада қулай тизим тақдим этиш мақсадида, ишга тушиш арафасида турган «eKarmon» тизими, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлик ва идораларига кўриб чиқиш учун таклиф этилган эди. Билдирилган тавсияларни инобага олган ҳолда, тизимни қўшимча модуллар билан янада такомиллаштириш қарори қабул қилинди. Ундан ташқари, компания вакиллари Ўзбекистон ҳудудида етакчи инновацион технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва ижро этилишига бағишланган тадбирларда фаол қатнашмоқда.

«MultisoftSolutions» Компанияси «eKarmon» электрон тўловлар тизимини жорий этиб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида янги дастурий ечимни таклиф этибгина қолмай, ўз олдида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон рақамли имзони қўллаш, электрон ҳужжат алмашиш ва электрон тижоратни жорий этиш инфратузилмасини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш ўз олдида мақсад қилиб кўйган.

### **2.3. Электрон тижорат тамойиллари.**

*Экспонента тамойили.* Сўнгги йилларда Интернет-иқтисодиётни ривожланиши экспоненциал қонунга кўра кечмоқда. Бу унинг таркибий қисмлари намоён бўлиши бир чизикда бўлмагани билан боғлиқ.

Масалан, экспоненциал ўсиш тармоқда алоқалар (тугунлар) сони тез ўсиши билан боғлиқ. Аввал компьютер ўргимчак тўри пайдо бўлиб, кейинчалик эса тармоқ вужудга келди.

*Бурилиш нуқталари тамойили.* Унинг моҳияти шундан иборатки, тармоқда тугунлар маълум сонга етганда унинг келгуси ривожланиши автоматик равишда, ўсишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чораларсиз амалга оширилади. Эпидемиологияда ҳам шунга ўхшаш ҳол бор. Бирон-бир юқумли касалга (масалан, гриппга) чалинганларнинг сони маълум чегарага етганда, касаллик эпидемияга айланади. Ушбу тамойилга кўра Интернет-иқтисодиёт ҳажми ҳар ярим йилда икки баробар ўсиб

бормоқда.

*Ўсиб борувчи самара тамойили.* Интернет-иқтисодиётга янги қатнашчиларнинг кириб келиши тармоқ сонининг ўсишига олиб келади. Тармоқнинг ҳажми ўсгани туфайли унга жалб қилинган тадбиркор ва тижоратчилар сони ўсиб боради.

*Нархни тескари шакллантириш тамойили.* Унинг моҳияти шунданиборатки, Интернет-иқтисодиётда учрайдиган барча энг яхши маҳсулотларнинг нархлари йилдан йилга пасайиш тенденциясига эга. Интернет-иқтисодиётда маҳсулот (хизмат)нинг қимматлиги таклифнинг ортиқчалиги билан ҳам, унинг жаҳон миқёсида кенг тарқалганлиги билан ҳам шартланган. Бошқача айтганда, “факс эффект” пайдо бўлади. Яъни тармоқда маҳсулотқанча кўп бўлса, у шунча қиммат бўлади. Бироқ ушбу тамойил анъанавийиқтисодиётнинг тегишли қонуниятларини рад этади.

*Текинлик тамойили.* Агарда хизматнинг қиймати ошса (тўлиқлик тамойилига кўра), нархи эса қанча қиммат бўлса, шунча камайса (нархни тескари шакллантириш тамойилига кўра), маълум хулоса қилиш мумкин. Энг қиммат хизматлар (жумладан сервис хизматлари) манфаатдорхаридорларга текинга тақдим этилиши керак. Масалан, Microsoft Internet фойдаланувчиларига “Internet Explorer”ни текин тақдим этди. qual.com компанияси эса “Eudora” электрон почтасини амал қилиш дастурини яратиб, уни ҳам бепул тақдим этди.

*Мансублик тамойили.* Ушбу тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, харидорларнинг бирон-бир Интернет-компанияга мансублиги бир вақтнинг ўзида тармоққа ва тармоқ платформаларига ҳам содиқликда намоён бўлади. Яъни муваффақиятли фаолият кўрсатаётган Интернет-компанияларнинг ишлаб чиқариладиган маҳсулотни мунтазам такомиллаштиришга анъанавий эътибори умуман тармоқни ривожлантиришда эътиборга айланади. Агарда анъанавий иқтисодиётда ҳар бир фуқаро ҳаётининг сифат даражаси миллийиқтисодиёт амал қилиши самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, тармоқда эса бунинг акси.

*Қимматликлар ўрин алмашиши тамойили.* У моддий бойликларни билимлар тизими ҳамда ахборот қимматликлар билан аста-секин ўрин алмашишидан иборат. Замонавий маҳсулотлар қийматида ахборот қисмининг улуши мунтазам ўсиб боради. Шунга кўра Интернетда маҳсулот етказувчилар ўз каталоглари ва таклифларини харидорларнинг муайян гуруҳи (ёки бозор сегменти)ни ҳисобга олиб тайёрлайдилар. Масалан, Staples офис жиҳозларини етказиб берувчиси ҳар доим мижозларга фақат уларни қизиқтириш эҳтимоли энг юқори бўлган буюмлар номлари рўйхатидан иборат каталогларни юборади.

*Глобаллашув тамойили.* Интернет-иқтисодиёт жаҳон миқёсида ўзарояқин боғланган бозорлар мажмуидан иборат. Интернет-компанияларнинг географик жойлашуви ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Тармоқда ҳар қандай тижорат жаҳоннинг барча мамлакатларига бир зумда тарқатилади. Худдишу тезликда рақобатчилар ҳам пайдо бўлиб, турли

хатарлар сони ўсади. Телекоммуникация соҳасида тижорат билан шуғулланган қудратли Америка Интернет-компанияларига Исроил ҳамда бир қатор Европа мамлакатларининг шунга ўхшаш компаниялари жиддий рақобат кўрсатади.

*Тартибсизлик (хаос) тамойили.* Унинг моҳияти шундаки, Интернет-иқтисодиётда компанияларнинг яшовчанлиги вақти-вақти билан мувозанатсизлик ҳолати ёрдамида таъминланади. Бу ҳолатда эски (рақобатбардош бўлмаган) Интернет-тижорат тугатилиб, бир вақтнинг ўзида бундан самарали янги тижоратни ташкил қилиш учун қулай шароит яратилади.

Амалиётга кўра, тармоқда янги тижоратни яшаш муддати анъанавий иқтисодиётга қараганда тахминан уч баробар кам. Бундан ташқари, эски иш ўринлари йўққилиниши билан бирга меҳнат ҳақи тўлови анча юқори бўлган кўп сонли янги иш ўринлари пайдо бўлади. Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, Интернет-иқтисодиёт, одатда, вақти-вақти билан пайдо бўладиган тартибсизлик шароитида амал қилади. Тартибсизлик Интернет-иқтисодиётни динамик ривожланишининг асосий двигателига айланади.

*Анархия тамойили.* Анархия – бу маълум бир “тартибнинг шакли”, Интернет-иқтисодиёт мавжуд бўлишининг асосий усулидир. Унда тармоқни барча қатнашчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда кераклик ўналишни кўрсатувчи марказий режалаштириш органи йўқ. Интернет-иқтисодиёт умуман тартибга солинмайди. Intel компаниясининг экс-президентининг фикрига кўра, унинг ноёблиги айнан шунда.

Ишлаб чиқилган илмий тамойиллар мазкур фан ёки илмий йўналиш учун умумий характерга ҳам, хусусий (локал) характерга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бизнинг мисолимизда ўрганиш ва изланиш предмети электрон тижорат тизимларини қуриш тамойиллари ҳисобланади. Бироқ Интернет тармоғини қурилиш тамойилларининг асосий таркиби берилмаса, ушбу тамойилларни ишлаб чиқилиши тўлиқ бўла олмайди. Интернет тармоғини қурилиш тамойилларига, Л.Н.Ивлевнинг тавсиясига кўра, қуйидагилар қиради:

- 1) фазодан ташқариллик тамойили;
- 2) вақтдан ташқариллик тамойили;
- 3) муҳофазага қодирлик тамойили.

*Фазодан ташқариллик (масофага эга бўлмаган) тамойили* - серверларни ҳатто номма-ном кўрсатилган ҳолда ҳам тармоқ чекланиши мумкин эмаслигини билдиради.

Фазодан ташқариллик тамойили чексиз масофанинг таассуротини беради. Бироқ ушбу масофа фақатгина шу ерда ҳозир бўлади. Фазодан ташқариллик ҳақиқий чегара йўқолишини шартлайди: давлатлар ўртасида, федерация субъектлари ўртасида, шаҳарлар ўртасидаги чегараларни. Бу тамойил тармоқ воқеаларига бир хил таъсир ўтказиши.

*Вақтдан ташқариллик тамойили* тармоққа шундай хусусиятлар бериш заруриятини билдирадики, улар маълумотнинг ҳимоясини (масалан, маҳсулот белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини, маҳсулотларнинг

келиб чиқиш жойлари, тижорат сири, ишбилармонлик обрўсини) ҳамда маълумотнинг махфийлигини (масалан, харидорнинг кредит карточкасининг рақамини) таъминлашга ёрдам берадилар.

*“Онлайнлик” тамойили.* Ташкил қилинаётган электрон тижорат тизимлари амал қилишнинг тўхтовсиз тартибига риоя этилишига асосланган бўлиши керак, (яъни реал вақт режимига). Бу эса тармоқнинг салоҳиятли мижозлари учун керакли қулайлик туғдиришга ёрдам беради ҳамда Интернет-компаниялар амал қилишининг маъқул иқтисодий самарадорлиги таъминланишига хизмат қилади.

*Қарама-қарши бўлмаслик тамойили.* Электрон тижорат тизимида айланадиган ҳар қандай маълумот аниқ ва ишончли бўлиши керак. Ахборот (хужжатлар)ни узатиш ишончлигини таъминловчи механизм билан Electronic Data Interchange (EDI) номли бутун бир соҳа шуғулланади.

У ўз илмий базаси, андозалар тизимига эга.

*Стандартлилиқ тамойили.* Электрон дўконларни лойиҳалаштириш вақтида ISO 10303 (STEP), ISO 13584 (PLIB) ва бошқа ягона халқаростандартлар тизимини қўллаш керак.

ISO 10303 – бу компьютер тақдмоти ва маҳсулот ҳақида маълумоталмашиш учун халқаро стандартдир. ISO 13584 маҳсулотлар мажмуаси ҳақидаги маълумотларини алмашиш, қўллаш ва тўғрилашни таъминловчи зарур механизмлардан иборат.

*Интерфаоллик тамойили.* У электрон тижорат тизимини тармоқ мижозларининг ҳар қандай мурожаатлари (сўровлари)га тезкор жавоб беришга қодирлигини таърифлаши кўзда тутилган.

*Анонимлик тамойили.* Унинг моҳияти шундаки, эгасининг виртуал ҳисоби ҳақидаги маълумот (масалан, электрон тўлов картасининг рақами ҳақида) фақатгина унинг ўзига маълум бўлиши лозим. Географиядан ташқарилиқ. У электрон тижорат тизимига мижозларнинг географик манзилдан қатъий назар реал кириш имконияти мавжудлигини акс эттиради.

*Хавфсизлик тамойили.* Бизнес битим қатнашчилари ҳақидаги маълумот бегона шахсларга билдирмаслиги лозим. Бу тижорат битими қатнашчиларидан бирига иқтисодий ёки молиявий зарар етказиш эҳтимоли йўқлиги ҳамда муваффақиятнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Транзакция хавфсизлиги махсус тўлов тизимини қўллаш йўли билан таъминланади.

*Функционал эквивалент тамойили.* У битимларни имзолаш ва бажариш билан боғланган ҳаракатлар ёзма равишда ёки ёзма хужжатлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши миллий қонун билан кўзда тутилганлигини билдиради. Мазкур талаб агар кўрсатилган ҳаракатлар бир ёки бир нечта электрон хабар ёрдамида қонунчилик қоидаларига риоя этган ҳолда бажарилган бўлса, бажарилиши мумкин.

*Интерфейсинг дўстоналик тамойили.* Электрон тижорат тизими тақдим этадиган тармоқли технологияларни қўллаш имкониятлари, зарур

бўлган дастурий таъминот ниҳоятда содда, қулай ҳамда салоҳиятли фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун осон бўлиши керак.

Бир қатор умумий тамойиллар (масалан, ишончлилик, стандартлилик, интерфаоллик, интерфейсинг дўстоналиги) электрон тижоратни интеграциялашган тизимга тегишли бўлган муайян таъминот кичик тизимлари (локал тизимлари) учун қўйиладиган тамойиллар рўйхатига киритилиши лозим.

Шу билан бирга, электрон тижорат тизими инфратузилмаси таркибига кирадиган таъминот кичик тизимлари учун умумий тамойилларга қўшимча, хусусий тамойиллар ишлаб чиқилиши керак. Бу тўлов тизимлари, молиявий таъминот тизимларига маҳсулотлар ва хизматларни етказиш тизимларига ҳам, маркетинг тизимларига ҳам тааллуқлидир. Электрон бизнес ресурсларига ва тегишлича тармоққа ҳар қандай катталиқдаги (кичик, ўрта, катта) корхоналар, шунингдек турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик ҳамда жисмоний шахслар бир хилда осон кира олишлари керак.

### **Назорат учун саволлар.**

1. Электрон тижорат юритишнинг андозалари айтиб беринг?
2. *Buyer, Supplier, Third-driven* майдончаларни изохлаб беринг.
3. Электрон савдо майдончалари деганда нимани тушунаси.
4. Электрон тижоратда тўлов тизимларини изохлаб беринг.
5. Рақамли нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўлов тизими қайсилар.
6. Интернет- банкинг нима?
7. Электрон савдони smart-технологияси деганда нималарни тушунамиз?.

### **Адабиётлар**

1. Pul, kredit va banklar: 5340700 - "Bank ishi" ta'lim yonalishi talabalari uchun darslik / O. Yu. Rashidov va boshq. - T. : Cho'lpon nom. nashr.-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 328 b. - (O'z R oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi). - Adabiyot.: b. 323.
2. Раҳманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.- 175 б.
3. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-0035521502>. Efficient fair payment system by electronic wallet(Article) [Chen, K.](#), [Yang, B.](#), [Wang, Y.-M.](#), [Xiao, G.-Z.](#) State Key Lab. of ISN, Inst. of Info. and Privacy, Xidian Univ., Xi'an 710071, China

### **3-мавзу. Ўзбекистонда электрон тижоратни ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни. (2 соат)**

#### **Режа:**

3.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида хусусийлаштиришни амалга ошириш рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизи.

3.2. Электрон тижоратни яратишнинг ҳуқуқий базаси.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни.

#### **3.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида хусусийлаштиришни амалга ошириш рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизи**

Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, эркин соҳибкорлик ва рақобатни ривожлантириш каби муаммоларга боғлиқ. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида хусусийлаштиришни амалга ошириш рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизлари яратилди. Бу ўринда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Ақсиядорлик жамиятлар ва ақсиядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида» каби бошқа ўнлаб қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг асосий мақсади Республикада тижорат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, янги техника ва технологияларни киритишдан иборат.

Бундан ташқари Фуқароларнинг, хусусан, тадбиркорлар ва тижорат юритувчи юридик шахсларнинг қонунга асосланган ҳолда фаолият юритишлари, янги қабул қилинаётган ёки мавжуд қонун ва қарорлар билан мунтазам равишда таништириб бориш бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев иқтисодий, ижтимоий – сиёсий муаммоларни ҳал этиш ва уларни ривожлантиришга қаратилган давлат қурилиши ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг беш асосий йўналиши (стратегияси)ни илгари сурди. Ҳеч кимга сир эмас 2008 йилда дунё иқтисодиёти сезиларли молиявий инқирозни бошдан кечирди. Шу каби молиявий инқирозлар бизнинг мамлакатимизга таъсир ўтказишини олдини

олиш мақсадида ҳурматли юртбошимиз ўз дастурларини ишлаб чиқдилар.

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади.

Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек иқтисодиётнинг реал сектори, корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узликсиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканлигини такидлаш зарур.

Интернетнинг пайдо бўлиши билан бирга биз бир лаҳзада сўнгги биржа маълумотлари, он-лайн магазин, мобил алоқа компанияларининг доимий янгилашиб ва кенгайиб бораётган хизматлари, Интернет провайдерлари, ИП-алоқа ва бошқа турдаги минглаб сайтларидан фийдаланиш имкониятига эгамиз. Бундай қулайлик маҳсулот ва хизматлар учун куннинг ихтиёрий вақтида тўловларни амалга ошириш ҳамда электрон тижоратнинг вужудга келиши учун замин яратади. Интернет миллионлаб фойдаланувчиларнинг ҳар бирига йирик аудиторияни яратди. Интернет бугунги кунда бутун жаҳон эркин бозорига айланди, электрон тўлов тизимлари эса сотувчи ва харидорларнинг бир лаҳзада ҳисоб-китоби учун имконият яратади. Хусусан, Ўзбекистонда жадал суръатларда ривожланиб бораётган электрон тижорат мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида жуда катта аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам электрон тижорат ва унинг имкониятлари ҳақида батафсил маълумот бериш, афзалликларини ёритиб бериш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Айнан шундай ҳолат ривожланиб кетаётган электрон тижорат соҳасига тегишли ҳисобланади.

Янги реалликларга мувофиқ қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб, ушбу соҳага чет эл инвестицияларининг киритилишига асос яратди. Шунингдек, ахборот коммуникация технологияларига асосланган масофадан ўқитиш, телемедицина, электрон тижорат, электрон тўлов каби янги хизматларнинг ривожланишига йўл очиб берди. Ушбу қонун ахборотни мулк сифатида тан олди, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш, ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг олдини олиш шартларини белгилаб берди.

"Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонун бошқа ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган қонунлар учун асос бўлиб, тегишли йўналишлар бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқилишини белгилаб берди.

### **3.2. Электрон тижоратни яратишнинг ҳуқуқий базаси.**

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари кенг кўламда ривожланаётган бир вақтда электрон ҳужжатлар ва электрон ҳужжатлар айланишини кундалик ҳаётимизга жорий этиш масалалари муҳим ўрин тутди. Электрон ҳужжатлар айланишида уларнинг қоғоз ҳужжатлар билан тенг кучга эга эканлигини, улардаги имзо, муҳр ва ҳужжатнинг бошқа реквизитларини тасдиқлаш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилиши мумкин.

"Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маълум шартларга риоя қилинган ҳолда электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қоғоздаги шахсий имзонинг тенг кучлигини таъминлаб берди. Ушбу қонунда электрон рақамли имзо калитининг фойдаланувчилари (егаси) ҳақидаги маълумотлар муҳофаза қилиниши ҳақидаги норма ўз аксини топган.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши электрон ҳужжат айланиши соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратган бўлиб, у электрон ҳужжат алмашинувининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда қоғоз ҳужжат айланишининг улушини камайтиришга ёрдам беради. Ушбу қонун электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақомини ва унинг реквизитларини аниқлаган бўлиб, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларини, электрон ҳужжатни олиш, жўнатиш, уларни сақлаш ва муҳофаза этиш тартибини белгилайди.

### **3.3. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида" қонуни.**

Ўзбекистонда электрон тижоратнинг шаклланиш жараёни кечмоқда. Республикаимизнинг "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни. Қонун 14 моддадан иборат ва Ўзбекистонда «Электрон тижоратни ривожлантириш» учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2012 — 2014 йилларда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жамиятнинг турли соҳаларига тадбиқ этиш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари хавфсизлигини ва бу соҳа ривожланишини маблағ билан таъминлаш йўллари кўрсатилган. Бундан ташқари бу дастурга бир нечта илова киритилган бўлиб, бу иловаларда 2014 йилгача бўлган вақтда телекоммуникация тармоғи Ўзбекистон Республикаси шаҳарларини қамраб олишнинг мақсадли йўналишлар ва режалари баён этилган.

Ўзбекистонда электрон тўловларни ривожлантиришга ҳуқуқий асос яратиш мақсадида "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ҳозирги глобаллашув даврида электрон тўлов суръатларининг ўсишига, шунингдек Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада тезроқ интеграция қилинишига ёрдам беради. Ушбу қонунда электрон тўлов



тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш ҳамда тўлов тизими аъзоларининг электрон тўловлар тўғрисида маълумотлар махфийлигини таъминлашлари шартлиги тўғрисидаги нормалар белгилаб кўйилган.

"Автоматлаштирилган банк тизимида ахборот ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни автоматлаштирилган банк тизимида ахборот муҳофазаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, ахборот муҳофазасининг ҳуқуқий асосларини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси автоматлатирилган банк тизимларида ахборот муҳофазасига кўйиладиган талабларни белгилашдан иборатдир.

Мазкур қонун ахборот эгаси ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашга; Автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотдан фойдаланишга бўлган руҳсатни чегаралашда қўлланиладиган чораларни аниқлашга; автоматлаштирилган банк тизимларида ахборот муҳофазаси бўйича давлат ваколатли органини тасдиқлаш ҳамда у томондан кўйиладиган талаб ва вазифаларни аниқлашга руҳсат этади.

Бундан ташқари жамиятни ахборотлаштиришда муҳим ўрин тутувчи, ахборотлаштириш инфратузилмасининг ташкил этувчилари ҳисобланган телекоммуникация тармоқлари, почта алоқаси, радиочастоталар спектри соҳаларида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Почта алоқаси тўғрисида"ги ва "Радиочастоталар тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинган. Юқорида айтиб ўтилган қонунлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларининг асосий йўналишларини ўз ичига олади. Шу билан бирга шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик базасини янада такомиллаштириш "Давлат бошқаруви ва ҳокимият органларининг маълумотлар базалари стандартлари тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ахборот хавфсизлиги тўғрисида", "Электронҳуқумат хизматлари тўғрисида", "Шахсни электрон рақамини тасдиқлаш тўғрисида" ва бошқа қонунларни ишлаб чиқиб жорий этишни тақозо этади.

Ахборот технологиялари ва тизимининг жаҳон бўйлаб кенг миқёсда қўлланилиши ижтимоий-иқтисодий соҳада туб ислохотларни амалга оширишга олиб келди. Глобал тармоқдан фойдаланиш мамлакатлараро алоқаларнинг янада ривожланишига туртки бўлди. Жамиятнинг барча соҳаларидаги каби тижоратда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Жумладан, жаҳон бозорида интернет тармоғи орқали электрон тижоратни, аукционларни, биржаларни ташкил этиш, давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва кўрсатиладиган хизматларни реклама ва ташвиқот қилиш имконияти туғилди. Шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгиловчи йирик ишлаб чиқариш

корхоналари ва ташкилотлари учун зарур бўлган воситалар, қурилма ҳамда хизматларни ўзга давлатлар томонидан реклама қилинаётган сайтлар ва порталлар орқали танлов асосида харид қилиш имконияти туғилди.

Бугунги кунда республикамиз раҳбарияти электрон тижорат тизимининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий такомиллашувида муносиб ўрин эгаллаганлигини алоҳида таъкидлаб келмоқда. Маълумки, электрон тижорат тизимида амалдаги тижоратдан тубдан фарқ қилган ҳолда маҳсулот ва хизматлар учун ҳақ тўлаш нақд пулда эмас, балки электрон усулда кредит ва пластик карталар орқали амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, нақд пулларнинг банкларда жамланишига ва натижада ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳолатини юқори даражаларга кўтариш, уларни иш билан таъминлаш, экологик муҳитни соғломлаштириш учун сарф қилишга имконият яратади.

Юқорида келтирилган электрон тижорат тизимининг афзалликларини чуқур англаган ҳолда Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир неча қонун ва қарорлар қабул қилинди. “Электрон тижорат”, “Электрон рақамли имзо”, “Электрон ҳукумат”, “Электрон ҳужжат алмашинуви”, “Электрон тўловлар” кабилар шулар жумласидандир. Ҳар бир фуқаро юқорида келтирилган қонунлар асосида тижорат бўйича мустақил фаолият юритишлари ва банк хизматидан беғараз фойдаланишлари мумкин.

Президентимиз қарорига кўра, электрон тижоратда банк тизими хизматидан фуқароларнинг самарали фойдаланишларини таъминлаш мақсадида фуқаролар томонидан банкка қўйилган жамғарманинг негизини аниқлаш ва декларация талаб қилиш қатъиян ман этилди. Бу ҳолат фуқароларнинг ҳукуматга ва банкка бўлган ишончини янада оширди. Ўз вақтида қабул қилинган бундай қарор ва электрон тижорат тизимига берилган одилона баҳо бугунги кунда жаҳон бўйлаб кезаётган иқтисодий инқирозни четлаб ўтиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, электрон тижорат кризис ҳолатидан чиқиб кетишни таъминлайдиган асосий воситалардан бири ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини воситачиларсиз тўғридан-тўғри харидорга тавсия этиб, таннархи баҳосида сотади. Харидор, ўз навбатида, сифатли маҳсулотни танлаш ва арзон баҳода харид қилиш имкониятига эга бўлади. Бу бир томондан маҳсулот ишлаб чиқарувчига маҳсулотини ўз вақтида сотиш ва даромад олиш имкониятини яратса, иккинчи томондан харидор учун ўзига зарур бўлган маҳсулотни арзон баҳода тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан харид қилиш имконини беради. Эътиборли томони шундаки, барча савдо-сотик ишлари бевосита банк хизматидан фойдаланган ҳолда пластик ва кредит карталар ёрдамида амалга оширилади. Сотувчи ҳам, харид қилувчи ҳам қимматли вақтларини маҳсулот излаш ва харид қилиш,

катта миқдордаги сармоясини кўтариб юриш каби ортиқча ишлардан озод этилади. Бундан ташқари, банк ихтиёридаги миқдорнинг жамғармаси ўз жойида қолган ҳолда фоиз ҳисобида бошқа тадбирлар учун сармоя сифатида фойдаланиши амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юқори даражага кўтариш учун замин тайёрлайди.

Ундан ташқари жорий йил 16 сентябр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида И.А.Каримовнинг топшириғига биноан электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида, депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тариқасида киритилган "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунни янги таҳрирда кўриб чиқдилар.

Қонуннинг янги лойиҳаси ўз имзосининг турли аналоглари ёрдамида шахсни аниқлашдан фойдаланишни кўзда тутган, бу эса электрон битимнинг расмийлашувини анча осонлаштириш имконини туғдиради. Ундан ташқари электрон тижорат соҳасидаги ўзаро алоқаларни тўғрироқ тартибга солиш мақсадида, Қонуннинг янги лойиҳаси бир қатор афзалликларга эга, шу жумладан:

Электрон ҳужжатлар (хабарномалар)дан фойдаланиб шартнома тузиш хусусиятлари ва электрон тижорат қатнашчилари, шу жумладан, ахборот воситачиларига нисбатан талаблар ўрнатилмоқда. Қонун лойиҳасига ҳисоб-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилди. Шунингдек ваколатли орган томонидан электрон тижорат соҳасини давлат тартибга солиш тўғрисида норма киритилиб, бу органнинг, қулай шароит яратиш, ҳозирги шароитда бу соҳани ривожлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва ташкилий, технологик ва қонунчилик масалаларини ечишда ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида, ваколатлари ўрнатилди.

Қонун лойиҳасида шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва электрон тижоратнинг ушбу қатнашчилари шахсий маълумотларни ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Шундай қилиб, янги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон электрон тижорати янги миқёсга чиқишига имкон беради ва тадбиркорларни интернетни товарлар ва хизматларни сотиш учун янги бозор сифатида ўзлаштириш учун рағбатлантиради.

### Адабиётлар

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.
2. Pul, kredit va banklar: 5340700 - "Bank ishi" ta'lim yonalishi talabalari uchun darslik / O. Yu. Rashidov va boshq. - T. : Cho'lpon nom. nashr.-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 328 b. - (O'z R oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi). - Adabiyot.: b. 323.
3. Раҳманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.- 175 б.
4. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84928896031>

A Study of Consumer Concerns and Issues of Electronic Payments in India(Article) [Gupta, M.](#), [Sareen, R.](#)Department of Management Studies, Indian Institute of Technology, New Delhi, India GE Capital, Gurgaon (Haryana), India Volume 2, Issue 1, 9 February 2001, Pages 101-119

# IV БЎЛИМ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ  
МАТЕРИАЛЛАРИ

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот.

**Электрон тижорат тизимлари ва турлари (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.).  
(6 соат)**

*Ишнинг мақсади* - Электрон тижорат тизимлари (WebMoney, Datasash, IntellectMoney, PerfectMoney, RBK Money, PayPal, WiaEsspow ва б.) билан ишлаш ва уларнинг хусусиятларини белгилаш.

### *1-қисм.*

#### *Назарий маълумот.*

#### **Электрон тўлов тизимлари.**

Ўзбекистонда электрон тижорат қандай ривожланипти, унинг янада такомиллашиши учун қандай чоралар зарур, унинг тадбиркорлар ва истеъмолчилар учун ютуқлари нимадан иборат, шуларни кўриб чиқайлик.

Ўзбекистонда Uzcard тизими тадбиқ этилганлиги ва ҳар қайси вақт ва ҳар қайси жойдан мобил мосламалар ва компьютерлар ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконини берган бир қатор лойиҳалар жорий этилганлиги туфайли бизнеснинг янги тармоғи – электрон тижорат жадал ривожланмоқда. Ҳозирда Click, MBank, Sms T'olov каби онлайн режимда хизматларга тўлаш воситалари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Одамлар уйларида чикмай Mytech.uz, Esavdo.uz, Uzbekmarket.uz, Vozor.uz каби интернет-дўконларда, шу жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, техника, парфюмерия, хўжалик товарлари ва ҳатто мебелни харид қилишлари мумкин.

Selz.com портали ахборотига кўра дунёда интернетдан фойдаланувчиларнинг 80%идан кўпи онлайн дўконларда у ёки бу товарларни харид қилганлар, харидорларнинг 71%и эса интернетда харид қилиш оддий дўконларга қараганда арзонроқ ва қулайроқ деб ҳисоблайдилар.

Интернетда янги бизнесни бошлаётганлар учун бир қатор афзалликлар мавжуд. Шулардан бири савдо майдончаларидан тежалган пул, чунки товарларни онлайн сотиш учун фақат уларни сақлаш учун омборхона ва балки ишчилар учун кичик офис керак. Ундан ташқари онлайн сотувлар учун қандайдир витрина ёки бошқа қиммат савдо ускуналарини сотиб олиш умуман талаб этилмайди. Анъанавий дўконларга қараганда хизмат кўрсатувчи ходимлар анча қисқаради шунга яраша товар нархи ҳам арзонроқ бўлиб харидорларни жалб этиш учун қўшимча восита бўлади. Товар ва дўконнинг рекламасини ҳам бевосита интернетда амалга оширса бўлади, бу ҳам оддий дўконга қараганда анча арзонроқ ва вақт жиҳатидан тежамлироқ бўлади. Товарларнинг таснифи очиб берилган тарзда бўлади, бу ҳам

сотувчига, ҳам маҳсулотини бозорда илгарилатишга ва харидорларни жалб этиш учун унинг батафсил таснифига муҳтож бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга фойдали бўлади. Устига-устак интернет-дўкон кунига 24 соат ишлаши мумкин ва унинг серверлари буюртмани қабул қилишни куннинг исталган пайтида қайта ишлаши мумкин. Дам олиш ва байрам кунлари ҳам серверлар ишини давом эттиради, ундан ташқари интернет-дўконга трафик айнан шу кунлари ортади.

Selz.com портали ахборотига кўра онлайн-харидорларнинг 46%и харид қилишдан олдин товар тўғрисида обзор ва бошқа маълумотларни кўрадилар ва ўқийдилар, бу эса электрон тижорат ривожини билан истеъмолчилар учун фойдали вебсайт ва блоглар сони ҳам ортмоқда деганидир, бу трафик ўсишига олиб келяпти.

Бугунда мамлакатимизда бу йўналиш ривожини учун барча зарур шартлар шаклланимоқда. Биринчи навбатда шу фактни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда катта миқдорда онлайн тўлов карталари чиқарилган бўлиб, бу мобил ва интернет-банкнинг тизимларини тўлақонли ривожлантириш имконини берапти. Йил сайин алоқа воситалари мукаммалашаяпти, фойдаланувчиларнинг интернет тармоғига уланиш имкони ошяпти, дунё интернет тармоғининг ўзбек тилдаги қисмида вебсайтлар сони ортиб борапти.

Ўзбекистонда электрон тижорат энди ривожланмоқда, лекин вақт бир жойда тўхтаб турмайди, у билан бирга бизнесдаги тенденциялар ва аҳоли эҳтиёжлари ўзгарапти. Юқори технологияларнинг, Uzcard тизимининг ривожини, интернет тармоғини бераётган имкониятларнинг кенгайиши ҳозирдан оқ онлайн савдода янги бизнесни бошлаш учун кенг имкониятлар очяпти ва айнан бу соҳада биринчи бўлиш учун имкон берапти, бизнесда биринчи бўлиш эса бозорни забт этиш ва миллионлаб кишиларга маълум бўлган ўз номга эга бўлиш деганидир.

Электрон тижоратни амалга ошириш учун биринчи навбатда электрон тўлов тизими ривожланган бўлиши керек.

Электрон тўлов бу – техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб китобларни амалга оширишдир.

Электрон тўлов тизимида товар ва хизматлар тўлови харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозир кунда дунё бўйлаб 1000 дан ортиқ электрон тўлов тизимларидан фойдаланиб келинмоқда булардан **WebMoney**, **Datasash**, **IntellectMoney**, **PerfectMoney**, **RBK Money**, **PayPal**, **WiaEsspow** ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Электрон тижорат ва электрон тўлов тизимини ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қанча ишлар олиб борилмоқда бунинг самараси сифатида ҳозирги пайтга келиб мамлакатда 15 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб,

уларнинг қарийб 3 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир ва бу карточкалар орқали телекоммуникатсия, коммунал хизматлар учун электрон тўловларни Интернет орқали тўлаш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари банкларнинг масофадан туриб ҳисоб рақамларни бошқариш билан боғлиқ ишларида ижобий натижалар кузатилиб, 2016 йилнинг 1 ноябр ҳолатига асосан Ўзбекистонда «Интернет-банкинг» фойдаланувчилари сони 156144 тани, «СМС-банкинг» хизматидан фойдаланувчилар сони эса 134568 тани ташкил этган.

Булар электрон тижоратнинг ривожини томон қўйилган муҳим қадамлар ҳисобланади. Электрон тижорат анъанавий тижотардан анча фойдали бўлиб ундан тубдан фарқ қилади ва қуйидаги хусусиятларга эгадир:

1. Харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга

2. Савдо-сотик фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;

3. Кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;

4. Керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш. Ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;

5. Харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;

6. Ҳозирги кунда чиққан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти ва кўплаб шунга ўхшаш имкониятларни яратади.

7. Электрон тижорат сотувчининг маҳсулотларини (иш, хизматларини) сотиш жараёнидаги имкониятини янада кенгайтиради ва янгилади. Энди сотувчи маҳсулотларни сотиш жараёнини тезлаштириши, янги ва сифатли маҳсулотларни мунтазам алмаштириши, маҳсулотларнинг айланма ҳаракатини тезлаштириши керак бўлади.

### **Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш**

Электрон тижоратда савдони ташкил қилиш фирмаларнинг рақобатини кучайтиради, манаполядан чиқаради ва маҳсулотнинг сифатини ошириш имкониятини беради. Харидорлар кундалик ҳаётида керакли маҳсулотлар ичидан сифатлиларини танлаши ёки чет эл фирмаларига мурожаат қилиши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг жадал ривожланиши сабабли бутун дунё бўйлаб онлайн савдо дўконлар (онлайн шоппинг) кўпаймоқда, бу



эса мамлакатлараро савдо-сотик ишларини олиб бориш учун жуда қулай ҳисобланади. Бугунги кунда энг катта онлайн дўконларга мисол қилиб биз *Alibaba.com*, *Amazon.com*, *eBuy.com* ва бошқа минглаб сайтларни мисол қилиш мумкин.

Булар орасида *Alibaba.com* ҳозирда дунёдаги энг йирик онлайн бозор ҳисобланади. Бу компаниянинг бош офиси Хитойда жойлашган, у дунёнинг 90 дан зиёд мамлакатларидаги компаниялар билан шартнома тузиб, харидорлар ва сотувчилар ўртасида алоқани таъминлаб, дунё ишбилармонлари учун жуда қулай бизнес шароитини яратади.

*Alibaba.com*нинг глобал онлайн савдо махсус сайти мавжуд бўлиб, хоҳлаган тадбиркор бу сайтдан ўзининг шахсий манзилига эга бўлиши ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳақидаги маълумотларни қолдириши, уни бутун дунёдаги харидорлар кўриши мумкин бўлади.

Маҳсулотга қизиқиш билдирилса харидор сотувчига тўғридан-тўғри сайт орқали боғланиши мумкин ва шартнома тузиб маҳсулот учун тўловни бир қанча усуллар ёрдамида тўлаши мумкин. Бу тўлов усулларида энг самаралиси банк ҳисоб рақами орқали тўлаш ёки халқаро пластик карточкалар орқали тўлаш ҳисобланади. Мижозлар тўловларини хавфсизлигини таъминлаш мақсадида компания 100 % ҳимояланган *Esspow* тўлов тизими орқали тўлшни ҳам таклиф қилади.

Бу тизимда тўланадиган пул виа *Esspow* тизимининг ўзида қолади ва харидор товарни олганлиги ҳақидаги хабарнома тасдиқлангандан сўнг пул сотувчига ўтказилади. Кичик интернет дўконларида (онлайн шоп) ҳам бу тўлов тизимидан фойдаланиш мумкин лекин кичик интернет дўконларида халқаро пластик карточкалар (*VISA*, *MasterCard*) ёрдамида тўловни амалга ошириш қулай ҳисобланади.

Бундан ташқари кичик интернет дўконларидан маҳсулот сотиб олиш анча содда бўлиб, бу бир нечта босқичлардан иборат. Бу шу интернет дўконга аъзо бўлишдан бошланади ва аъзолик тасдиқлангандан кейин харидор ўзига ёққан товарни излаб топади ва уни танлаб харид қутисига жойлаштиради ва кўрсатилган муддат ичида тўловни амалга оширади, сўнгра сотувчи томонидан харидорнинг шахсий *e-mail* адресига харид яқунлангани ҳақида маълумот юборилади ва товар жонатишга тайёрланади сўнг товар жўнатилгандан кейин сотувчи харидорга товарнинг почта кузатув кодини ва почта усули, элтиб бериш муддати ҳақида маълумот юборади. Товар элтиб берилгандан сўнг харидордан жўнатмани тасдиқлаш сўралади ва жонатма харидор томондан тасдиқланганидан кейингина харид тўла яқунланган ҳисобланади.

Мазкур операциялар ҳаммаси электрон тарзда амалга оширилади, харидор ва сотувчига қулайлик яратиб, катта фойда келтиради ва бу орқали мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшилади, шунинг учун бугунги кунда мамлакатимизда ҳам электрон тижоратни ривожлантириш асосий мақсадлардан бирига айланган.

Электрон тижоратнинг ишлаш тизимини ўрганиб чиққан ҳолда

қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

- Электрон тижорат тизими бўйича аҳоли саводхонлигини ошириш;
- Электрон тўлов хизматларини кўпайтириш ва кенгайтириш;
- Электрон тижоратнинг инфраструктураларидан бири бўлмиш

**Он-лайн банкинг** тизимини бутун республика бўйлаб самарали жорий қилиш. Бу улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун ўз товар ва хизматлари билан интернет тармоғи орқали эркин савдо қилиш имкониятини оширади;

➤ Электрон тижорат сайтлари сонини кўпайтириш ва бу орқали эркин рақобатни кучайтириш ва истемолчиларга кенг танлаш имкониятини яратиш;

➤ Курьерлик ва почта хизматларини ривожлантириш ва бу орқали истемолчиларга онлайн орқали сотиб олган таварларини қисқа муддатлар ичида элтиб бериш имкониятларини яратиш.

**Интернет тўлов тизимлари, улар орқали тўловлар ва харидларни амалга ошириш.** Техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш электрон тўловдир. Электрон тўлов тизимида товар ва хизматлар тўлови харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Электрон тўлов тизимлари фаол ишлаб келаётганлари мавжуд: **Websum, iPay, Paynet, WebMoney, IntellectMoney, PerfectMoney, RBKMoney, B-Money.**

Электрон тўлов тизимлари ёрдамида Интернет ва IP-телефонияга уланиш учун «ПИН» кодлар ва интернет дўконлардан товарларни харид қилиш, уяли алоқа хизмати, шаҳар телефонияси, коммунал хизматлар, домен ва хостинг, реклама, телевидение, чипталар, дататсентрлар, веб ресурслар учун ҳақ тўлаш мумкин.

### **Интернет-банкнинг**

**Интернет-банкнинг.** Тўлов тизимлари орасида алоҳида гуруҳ, бу Интернет банкинг функсиясини бажарувчи тизим, яъни Интернет орқали банк оператсияни амалга ошириш ҳисобланади.

Интернет-банкнинг – банкдаги ҳисоб рақамни Интернет орқали бошқариш имкониятини берадиган хизмат. Интернет банкинг тизимида самарали ишлаш учун Интернетга уланган ва Интернет броузерга эга компьютер бўлиши етарли ҳисобланади.

Интернет-банкнинг имкониятлари қуйидагиларни бажаришга имкон беради:

- банкка барча турдаги молиявий ҳужжатларни юбориш;

- исталган давр учун банкдаги ҳисоб рақамлардан кўчирмалар ва уларга тегишли бошқа ҳужжатларни олиш;
- ҳақиқий вақт тартибида тўлов ҳужжатлари банк ишловидан ўтишининг барча босқичларини кузатиш;
- хатолар тўғрисида хабарларни тезкор олиш;
- кирим ва чиқим тўлов ҳужжатларини кўриш ва чоп этиш.

Интернет-банкинг ва банкдан ташқари электрон тўловлар тизимларининг янада ривожланиш жараёнида он-лайн сотувлар секторида жадал ўсишни кутиш лозим, бунда улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча компаниялар Интернет тармоғи орқали товарларини бемалол сотишлари мумкин бўлади. Тўловларнинг банкдан ташқари секторини ривожлантиришнинг кейинги босқичи бу мобил тўловлар тизимлари бўлди.

**Электрон кармон, уларни тўлдириш ва пул олиш.** Электрон кармон - бу электрон пулларни сақлаш учун мўлжалланган восита. Товарларни сотиш ва харид қилишга мўлжалланган веб технологиялар асосида яратилган ахборот тизими томонидан амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан ташкил топади:

- мижозга товар (хизмат) ҳақида маълумот бериш;
- мижоздан товар (хизмат)га буюртма қабул қилиш.

Баъзан онлайнли тўлов тизимларидан фойдаланилганда учинчи вазифа-тўлов ҳақини олиш, товарни сотишда эса яна тўртинчи вазифа - ҳақи тўланган товарни жўнатиш кўшилади. Электрон кармонни тўлдириш ва улардан пул ечишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:

- Тижорат банкларида нақд пул билан;
- Банк карталари (*VISA, MasterCard, UzCard*) ёрдамида;
- Почта орқали;
- Интернет-банкинг ёрдамида;
- Пул ўтказмалар тизимлари ёрдамида;
- Мобил алоқа ёрдамида.

**Интернет VISA ва MasterCard тўлов карточкалари.** VISA Инс. – тўлов оператсияларини амалга ошириш хизматларини таъминловчи америка компанияси. **VISA- Интернационал Сервисе Ассошиашон**-жаҳоннинг етакчи тўлов тизими ҳисобланади.

VISA карталари бўйича йиллик савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ долларини ташкил қилади. VISA карталари дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларида қабул қилинади. Дунёда тўлов карталарининг 57% VISA карталари ташкил қилади, асосий рақобатчилари MasterCard 26% ва AmericanExpress 13% ташкил қилади.

**MasterCardWorldWide** – дунёнинг 210 мамлакатларидаги 22 минг молиявий ташкилотларни бирлаштирган халқаро тўлов тизими ҳисобланади. Бош офиси АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида жойлашган.

Ҳозирги кунда интернет тўлов тизимлари тўлиқлигича юқорида келтирилган VISA ва MasterCard билан ишлаш имкониятига эга, яъни

интернет тўлов тизимларидаги ҳамёнларни тўлдириш ёки ҳамёнлардаги ишлатилмай қолган маблағларни қайта карточкага чиқариш мумкин.

**Интернет дўконлар ва интернет биржа.** Бугунги кунда “Интернет дўкон” номи остида турли кўлам ва мақсаддаги ечимларнинг кенг спектри таклиф қилинмоқда. WEBSUM электрон тўлов тизимидан фойдаланадиган интернет дўконлар қуйида келтирилган:



**UzEx интернет биржа** – бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAУ тизими фойдаланувчиларига, максимал қулайликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни харид қилиш имконини беради.

Жаҳон ҳамжамиятининг кўзланган ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун, ахборот технологияларига (АТ) бўлган эҳтиёжи катта суръатлар билан ошиб борапти. Иқтисодий ўсишнинг фаоллашуви, дунё аҳолиси яшаш даражасининг яхшиланиши ахборот технологияларининг кундалик ҳаётимизга сингиб кетагани натижасидир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики эркин ахборот оқимининг таъминланиши бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради ва сотсиал фаровонликни оширади. Ахборот технологияларининг тез ривожланиши иқтисодда ҳам ўз аксини топмасдан қолмайди. Ҳозирги кунда иқтисодда, айниқса тадбиркорлик соҳасида эришилаётган ютуқлар негизида айнан ахборот технологиялари турли сегментларининг юқори даражада ривожланганлиги ва самарали қўлланиши ётади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас. Яққол мисол сифатида ахборот технологияларининг бир қатор сегментлари масалан, маълумотлар етказиш тармоқлари, ахборот интернет-ресурслари ва улар орасидаги электрон ҳужжат алмашув, бизнес ва тижоратнинг барқарор ривожланаётганини келтириш мумкин.

Ўзбекистон учун ахборот технологияларини ривожлантириш янги иқтисодий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу жараён, ахборот технологиялари соҳасида таълим стандартларининг ошиши, миллий телекоммуникация тармоқларининг модернизациялашуви, ҳуқуқий базанинг шаклланиши оқибатида вужудга келадиган жамиятнинг маълум даражадаги информатсион таёрлиги мавжуд бўлган ҳолатдагина содир

бўлади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг босқичма-босқич ривожланиши натижасида бизнес фаолиятини юритишнинг янги принциплари, жумладан электрон тижоратнинг аҳамияти жуда ортди. Бугунги кунга келиб, ҳар бир интернет фойдаланувчиси электрон тижорат сўзининг маъносини тушунишга ҳаракат қилиб кўрган.

Ўзининг узоқ тарихини қуришга ҳам улгурмаган бундай фаолият тури билан боғлиқ АҚШ бозорларида йилига ўртача 1,5-2 трлн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар айланади. “Электрон тижорат” термини ЭДИ (*Electronic Data InterChange* – маълумотларни электрон алмашиш), электрон почта, интернет, интранет (компания ичида ахборот алмашиш) ва экстранет (ташқи дунё билан ахборот алмашиш) каби технологияларни ўз ичига олади.

Ўз навбатида Электрон коммерсия тизими уч синфга бўлинади:

- Чакана савдони ташкил қилиш бўйича (бизнес-истеъмолчи, B2C);
- Бизнес ҳамкор билан алоқлар ўрнатиш (бизнес-бизнес, B2B);
- Истеъмолчилар ўртасидаги савдо (истеъмолчи-истеъмолчи, C2C);

Электрон тижоратнинг ўзига хос қулайликлари ва устунликлари мавжуд:

- Халқаро оператсияларда ахборот олиш тезлиги ошади;
- Ишлаб чиқариш ва сотиш даври қисқаради;
- Арзон коммуникатсион воситалардан фойдаланиш эвазига ахборот алмашиш харажатлари камаяди.

Компания ахборот технологияларини самарали қўллаш орқали истеъмолчи билан очиқ муносабат ўрнатиш, маҳсулот ва хизматлар тўғрисида ҳамкор ва мижозларни тезкор ахборот билан таъминлаш, сотувнинг алтернатив йўллари, мисол учун тижорат сайтларида электрон дўконлар очиш ва яратиш имкони беради.

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш жараёнлари амалда. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда, дунё тажрибасида кенг қўлланилган қўйидаги принципларга амал қилинмоқда:

❖ Электрон тижоратни ривожлантиришда корпооратив сектор фаол рол ўйнаши;

❖ Электрон тижоратга нисбатан, давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўйилмаслиги;

❖ Давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида арилишиши;

❖ Электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти Интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши;

❖ Электрон тижорат жараёни маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, глобал масштабда содир бўлиши.

Иқтисодий ривожланиш натижасида Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодиёт тизимида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бу эса ўз

навбатида электрон тижорат инфратузилмасини такомиллаштириш, унинг жаҳон бозорида кучли рақобатчи сифатида пайдо бўлишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Мазкур ҳолатлар инобатга олинган ҳолда, электрон тижоратнинг асосини, яъни ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича бир қанча сезиларли ишлар амалга оширилди:

➤ 2004 йил 29 апрелда Н613-ИИ «Электрон тижорат» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни;

➤ 2007 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг №21 «Электрон тижоратни ривожлантириш» тўғрисидаги қарори;

➤ 2007 йил 12 июнда «Электрон тижорат тизимини амалда қўллашда тўлов тизимини такомиллаштириш» тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида *eKartmon* лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у самарали тарзда амалиётга жорий қилинмоқда. Олиб борилган ва бажарилган ишлар асосида бир қанча ижобий натижаларга эришилди.

Ахборот алмашинуви тезлигини ошириш ва унга сарфланадиган вақтни камайтириш мақсадида олиб борилган ишларнинг натижаси Ўзбекистон Республикасида халқаро ахборот тармоқлари тезлигини ошишида кўринади.

Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш билан бир қаторда, мазкур соҳанинг такомиллашишига тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларнинг тезкор ва аниқ ечилиши бугунги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Чунки айнан куйидаги ечимини кутаётган масалалар жаҳон тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг тўғри ҳал қилинмаслиги оқибатида бу соҳада жиддий инқирозлар вужудга келиши мумкин.

**Биринчидан,** зарур инфраструктуранинг ҳали ҳам етарли даражада такомиллашмаганлигидир.

Қуйида бир нечта мисоллар келтириш мумкин:

- интернетнинг глобал тармоғи билан тўғридан-тўғри боғланган провайдерлар сони чекланган миқдорда ва бунинг натижасида интернет миқдорларга провайдер ўртасида бирдан иккинчисига ташиш орқали етказилмоқда, маълумки бундай ҳолат хизмат кўрсатишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

- вилоятларда кўрсатилаётган интернет хизматининг сифат кўрсаткичлари пойтахтдаги ҳолат билан солиштирганда сезиларли даражада ёмон. Ажратилган уланиш (ADSL модем) учун етарли шарт-шароитнинг яратилмаганлиги натижасида миқдорлар тўғридан тўғри қўнғироқ қилиш орқали (Dial-up) уланишдан фойдаланишади. Бу ўз навбатида хизмат сифатининг етарли даражада бўлмаслигига олиб келади.

**Иккинчидан,** интернет фойдаланувчиларининг миқдори шундай даражадаки, бу ҳолат электрон тижорат билан шуғулланиш учун зарур бўлган йирик бозор яратиш имконини бермайди (Ўзбекистон бўйича интернет фойдаланувчиларининг сони 10 млн. дан ортиқ). Охириги йилларда

бу соҳада бир қанча ижобий натижаларга эришилмоқда, лекин бу фақатгина маълум бир ҳудудларда (асосан пойтахт ва баъзи бир вилоят марказлар) ўсмоқда.

Вилоятларда бундай ҳолат ҳалигача муаммолигича қолмоқда. Маълумки, етарлича ҳажмдаги бозорга эга бўлмасдан туриб электрон тижорат фаолиятини юритиш ихтиёрий тадбиркор учун зарардир.

**Учинчидан**, жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб рақамларидан он-лайн тўловни амалга оширишни таъминлайдиган ишончли тизимнинг ривожланмаганлигидир. Банклар томонидан чиқарилаётган пластик карточкалардан фақатгина махсус терминаллардан фойдаланиб тўловни амалга оширишимиз мумкин, халқаро тажрибада эса пластик карточкалар ёрдамида, тўловни қабул қилиш учун ўрнатилган махсус модуллар орқали, тўғридан тўғри он-лайн дўконларда тўловни амалга ошириш мумкин.

Муаммо шундаки, Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар учун он-лайн банкинг хизмати ҳали кенг тарқалмади. Он-лайн банкинг банк миқозлари учун интернет тармоғида ёки мобил алоқа ёрдамида ўз ҳисобларини бошқариш ва тўловларни амалга ошириш имконини беради. Бир неча банклар томонидан таклиф этилаётган СМС-банкнинг бир томонлама бўлиб, фақатгина ҳисоб ва оператсиялар тарихи ҳақида маълумот олиш учун мўлжалланган.

Бу ҳолат электрон тижоратнинг ривожланишига энг катта тўсиқ бўлаётган муаммолардан биридир. Тўртинчидан, мавжуд интернет-дўконлар фаолиятида етарли профессионаллик даражаси етишмайди.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги чоп этган маълумотларга кўра, 2008 йил 1 январь ҳолатига бўйича Ўзбекистонда 24 интернет-дўкон фаолият юритади. Компютер ва электрон-майиший техника маҳсулотларини сотишга бўйича-8, совға ва гуллар бўйича-4, рақамли товарлар бўйича -6, истеъмол ва маъиший товарлар бўйича-3, китоб, мусиқа ва компакт дискда филмлар сотишга мўлжалланган-3 дўкон мавжуд. Бу веб-сайтларнинг 4-ишлов берилиш жараёнида, 4-тўловни халқаро тўлов тизимидаги пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириш имконини яратади, 12-WM Трансфер тўлов тизимидан фойдаланади. Қолган 7 дўкон нақдсиз тўловни амалга оширишни имконини, ёзма шартнома имзоланганидан сўнг, яратади.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишда асосий эътибор бериладиган йўналишлар сифатида қуйидагиларни таклиф этилади:

- Электрон тижорат соҳасида илмий изланишларни чуқурлаштириш зарур. Илмий ишлар, мақолалар ёзиш, махсушлаштирилган интернет-ресурслар яратиш, доимий форум ва конференциялар ташкил этиш, кадрлар таёрлашда электрон тижоратнинг нафақат техник, балки иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятларини ҳам инобатга олиш, энг асосий муаммолардан бири – малакали кадрлар етишмовчилиги олди олинади;

- Телекоммуникацион хизматларни кўрсатиш соҳасида рақобатни ривожлантириш. Бу хизмат сифатининг ошишига, нархлар даражасининг

тушишига ва электрон тижорат учун маълум интернет-аудиторияларининг яратилишига олиб келади;

- АКТ соҳасига инвестицияларни киритиш учун қулай ҳуқуқий шароитнинг кўрсатилган тартибда доимий мавжуд бўлишини таъминлаш;
- Ўз-ўзини бошқариш ва тажриба алмашиш тизимларини яратиш;
- Электрон тизими бўйича таълим тизимини ривожлантириш;
- Ахборот технологияларининг бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг тарқалишини таъминлаш. Нафақат вилоят марказларида, балки чекка қишлоқларда ҳам ахборот технологияларининг жорий қилиниши электрон тижорат ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келади;
- Он-лайн банкинг тизимини бутун республика бўйлаб самарали жорий қилиш. Бу улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун ўз товар ва хизматлари билан интернет тармоғи орқали эркин савдо қилиш имкониятини оширади. Шу билан бирга бу банк соҳасининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам сезиларли ўзгаришларга олиб келади.

### *Амалий вазифалар.*

#### *1-вазифа.*

*Қўйидаги тоифали жадвалини тўлдиринг.*

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тушунчалар	Электрон тижорат	Анъанавий тижорат
Нақд пул тўлови		
Пластик карта орқали тўлов (Off-line)		
Пластик карта орқали тўлов (On-line)		
PayMe хизмати		
Click хизмати		
Интернет магазин		
Мобил тўлов		
WebMoney		
Техник хизмат кўрсатиш		
Интернет банкинг хизмати		
On-line ўқув курслари		
Банк ҳисоб рақами		
...		



**Назарий маълумот**

**iPAY** – бу *UzEx*даги биржа савдоларида ҳамда **iPAY** тизимига қўшилган интернет дўконларда онлайн тўловларни амалга ошириш имконини берувчи, Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг тўлов тизимидир.



**iPAY** электрон тўлов тизими.

**Амалий вазифалар.****2-вазифа.**

**iPAY** тизимига кириб, унинг хусусиятларини ёзиб беринг.

**3-вазифа.**

**WEBSUM** электрон тўлов тизимига кириб, унинг хусусиятларини ёзиб беринг.



WEBSUM электрон тўлов тизими.

#### 4-вазифа.

UzEx интернет биржага кириб, унинг хусусиятларини ёзиб беринг.

*UzEx интернет биржа* – бу шахсий компьютер орқали UzEx савдо майдончаларида савдо қилиш имкониятини берувчи глобал миллий савдо майдончаси. Ушбу савдо тизими, iPAУ тизими фойдаланувчиларига, максимал қулайликлар билан осонгина ўз товарларини сотиш ва керакли товарларни харид қилиш имконини беради.



UzbEx.com Ўзбекистон глобал савдо тизими.

### 3-қисм.

#### 5-вазифа.


БББ жадвалини тўлдириг.

№	Тушунчалар	Мавзуга кириш			Мавзудан чиқиш		
		Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим	Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим
1.	Электрон тижорат,						
2.	AT&T,						
3.	On-line бизнес,						
4.	Электрон бизнес,						
5.	Давлат (Government),						
6.	Корхона (Business),						
7.	Мижоз, истеъмолчи (Consumer),						
8.	Ҳамкор (Partner),						
9.	Корхона ходими (Executive, Employee),						
10.	B2B, B2C,						
11.	виртуал савдо майдончаси						
12.	EIP - Enterprise Information Portal,						
13.	пластик карточкалар,						

14.	Рақамли нақд пул,						
15.	City Bank,						
16.	Россия Роу Cash,						
17.	Web Money,						
18.	Интернетбанкинг,						
19.	Уй банки,						
20.	PayNet,						

**6-вазифа.**

Қўйидаги кластерда хатоликларни топинг.



## Назорат учун саволлар.

1. Электрон тижорат юритишнинг андозалари айтиб беринг?
2. *Buyer, Supplier, Third-driven* майдончаларни изохлаб беринг.
3. Электрон савдо майдончалари деганда нимани тушунасиз.
4. Электрон тижоратда тўлов тизимларини изохлаб беринг.
5. Электрон савдо майдончалари ва электрон тўлов тизимларини умумий хусусиятларини ва фарқларини кўрсатиб беринг.
6. Рақамли нақд пуллар билан амалга ошириладиган тўлов тизими қайсилар. Мисоллар келтиринг. Улар қандай ишлатилади?

## Адабиётлар

1. Шодмонов Ш.Ш., Гофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.
2. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84928896031>  
A Study of Consumer Concerns and Issues of Electronic Payments in India(Article) [Gupta, M.](#), [Sareen, R.](#) Department of Management Studies, Indian Institute of Technology, New Delhi, India GE Capital, Gurgaon (Haryana), India Volume 2, Issue 1, 9 February 2001, Pages 101-119

## 2- амалий иш. Электрон тижорат тўлов тизимларида мобиль воситаларидан фойдаланиб тўловларни ташкиллаштириш. (6 соат)

**Ишнинг мақсади:** электрон тижорат тўлов тизимлари бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш.

## Назарий маълумот.

Пластик карталари — бу турли хил маҳсулотлар ва хизматлар учун тўловни амалга оширишнинг замонавий усули. Пластик карталар ўз эгалари учун кенг имкониятларни очиб беради: харид учун тўловни амалга ошириш ва банкоматлардан нақд пулни олиш; меҳмонхоналардаги хоналарни банд қилиш, ҳаво ва темир йўл чипталарини сотиб олиш; маблағларни тезкор тарзда бошқариш ва пластик карталардан фойдаланиб ўтказиладиган барча операцияларни назорат қилиб бориш.

«Asia Alliance Bank» АТБ пластик карталари.

- Сизнинг маблағларингизнинг кўп поғонали ҳимоя тизими.
- Иш ҳақлари лойиҳаларини юритиш.

Ўзбекистон Республикасида 3 турдаги БПК муомалага чиқарилади.  
Булар:

- шахсий БПК;
- корпоратив БПК;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги БПК.

Банк чиқарадиган сўмли карталарнинг турлари/

Меҳнат ҳақи пластик картаси (Индивидуал (алоҳида кишининг) тўлов картаси) — ташкилот ва унинг ҳар бир ходими ўртасида тузилган шартнома асосида, ташкилот ходимлари томонидан очилади. Бу карта эгаси меҳнат қилаётган корхонасидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (нафақа, стипендия ва ҳ.к.) олиши, савдо пунктларида харид қилган моллари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириши, банк ғазналари POS терминалларида нақд пул маблағларини олиши мумкин;

Корпоратив карта — юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган хусусий тадбиркорлар учун очилади, ва уларга савдо-сервис корхоналарида корхона учун зарур бўлган товарлар харид қилиш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга оширишлари имкониятини беради.

Бугунги кунда бутун дунёда пластик карточкалар орқали тўлов тизими кенг тарқалган. Улар тўлов воситаси сифатида супермаркетларда, магазинларда, хизматлар соҳасидаги корхоналарда, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида, автомобильларга ёқилги кўйиш шаҳобчаларида ва бошқа жойларда қабул қилинади. Карточкалар орқали пластик карточкалар бўйича тўловлар қабул қилувчи электрон терминаллар билан жиҳозланган исталган савдо пунктида тўлаш мумкин.

Пластик карточкаларининг афзалликлари:

- ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги ҳамда аниқлиги;
- хавфсизлик;
- маблағларни жамғариш.

Пластик карталар ёрдамида Сиз қуйидаги амалиётларни амалга оширишингиз мумкин:

- Карточкага пул маблағининг бутунлай қисмини ёки маълум бир қисмини юклаш;
- Пул маблағларини ёпиқ қолдиқдан очик қолдиққа ўтказиш (очик қолдиқдаги маблағларини сарфлашда парол талаб қилинмайди);
- Карточка паролини ўзгартириш, жумладан, терминал ёрдамида;
- Пул маблағлари ҳаракати ҳақида, шу жумладан терминал ёрдамида ҳам, маълумот олиш;
- Карта баланси ҳақида, шу жумладан терминал ёрдамида ҳам, маълумот олиш;
- Нақд пул олиш.

Пластик карточкаларнинг нақд пулларга нисбатан яна бир қўшимча афзаллиги шундан иборатки, уни йўқотиш мумкин эмас. Бутун дунёда пластик карталарни ишлатишнинг қулайлиги, оддийлиги ва ишончлилиги муносиб баҳоланган. Банк карталари – бу замонавий, қулай ва Сизнинг

пулингиз хавфсизлигини кафолатловчи электрон ҳамёндинр.

### **Пластик карталар асосида тўловларни ташкиллаштириш**

Корпоратив карталар қуйидаги тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган:

- Иш бўйича сафар (командировка) харажатлари (чиптага буюртма бериш, меҳмонхона, ресторан учун ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар);
- Қўшимча харажатлар (чиқимлар);
- Хўжалик харажатлари (умумий истеъмол ва корхона эҳтиёжлари учун зарур товарлар);
- Корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ харажатлар (товарлар сотиб олиш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш, етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш ва ҳ.к.);
- Корхона тақдимоти билан боғлиқ харажатлар (совғалар, магазинлар, ресторанлар ва ҳ.к.). Корпоратив пластик карталарни чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш операциялари.

Жисмоний шахслар учун хусусий карталарнинг афзалликлари:

- Савдо ва хизмат корхоналарида товарлар ва хизматлар учун тўловларни воситачилик ҳақисиз амалга ошириш;
- Коммунал хизматлар, уяли алоқа хизматлари ва электрон тўловларни банккомат ва инфокиосклар орқали амалга ошириш;
- Қариндошлар ва бошқа шахсларга қўшимча карталарни чиқариш.

Ўзбекистон Республикасида тақдим этилаётган карточкалар шахсий, корпоратив ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун мўлжаллангандинр. Пластик карточкалар билан операцияларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва бошқа барча масалалар юзасидан унга хизмат кўрсатувчи банкка мурожаат қилинади, шунингдек банк ва мижоз ўртасида юзага келадиган низолар улар ўртасида банк ҳисобварағини очиш ва юритиш бўйича имзоланган шартнома асосида ҳал этилади.

Тижорат банкларининг пластик карточкалари икки хил – «On-line» ва «Off-line» режимида ишлайди. «Off-line» режимидаги пластик карточкалар электрон ҳамён вазифасини бажарса, «On-line» режимидагилар мижознинг тўғридан-тўғри банкдаги ҳисобварағига кириши ва маблағларни тўсиқсиз ишлатишига имконият яратади.

«On-line» режимида ишлайдиган карточкалар ислохотли ҳисобланади, чунки улар фойдаланишда қуйидаги бир қатор афзалликларга эга:

- карточкаларга пул маблағларини тушириш ва уни авторизация қилиш зарурияти йўқ;
- карточкалар орқали амалга оширилган молиявий операциялар ҳақида маълумотларни реал вақт ичида SMS ёрдамида олиш мумкин;

- «Интернет банкинг», «Мобиль банкинг» ва бошқа янги турдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд;
- пластик карточкалардаги пулларни электрон пулларга айлантириш ва электрон тижоратда пул мажбуриятларининг ҳисоб-китобини амалга оширишда фойдаланиш учун имкониятни юзага келтиради.

Банк пластик карточкаларини республика амалиётига киритишдан мақсад нақд пул маблағларини ва банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш, пул муомаласини юқори савияда ташкил этиш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш ва халқаро талабларга мос равишда банк хизматларини аҳоли, корхона ва ташкилотларга тақдим этиш ҳисобланади.

Маълумки, давлатнинг монетар сиёсатини юритиш ва инфляция даражасини жиловлашда Марказий Банк олдида турган мураккаб масалалардан бири чакана ҳисоб-китоб жараёнларидаги нақд пул маблағларининг банк тизимига ёки молия секторига тўлиқ (100 фоиз) даражада қайтиб келишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон илк мустақилликка эришгандан сўнг пул айланиши тизимида, шу билан бирга, тўлов жараёнларини ташкил қилиш ва тартибга солиш соҳасида катта муаммоларга дуч келганлигини кўриш мумкин. Шу даврда Марказий Банк томонидан пухта ишлаб чиқилган монетар сиёсат ва у томондан қўлланилган монетар инструментлар объектив сабабларга кўра кутилган натижани бериши қийин эди. Бу пул айланиши тизимининг ҳали яхши йўлга қўйилмаганлигидан, жумладан, чакана ҳисоб-китоб жараёнларининг оддий усуллар асосида олиб борилиши ушбу даражадаги пул айланмасининг устидан мониторинг олиб бориш имкони жуда пастлигидан далолат берар эди.

Пластик карточкалар айнан чакана савдо соҳасида ташкил қилинаётган тўлов жараёнларининг замонавий тарзда, қулай ва тез амалга оширилишини таъминлаш билан бирга давлатнинг монетар сиёсати самарасини рўёбга чиқариш воситаси бўлди, десак, муболаға эмас. Пластик карточкалар ёрдамида ташкил қилинаётган пул айланмасининг ҳолатига объектив баҳо бериш ва шу билан бирга унинг келажак ҳолатини аниқ прог-нозлаштириш ҳамда ушбу тўлов воситалари орқали макроиктисодий жараёнларга таъсир этиш ҳолатини кузатиш мумкин.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартиришда тўлов карточкаларидан самарали фойдаланилади ва шу орқали пул айланмасининг устидан мониторинг ўрнатишга эришилади.

### **Интернет-банкнинг**

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда электрон тўлов тизимини янги



босқичга кўтарди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Ягона умумреспублика процессинг маркази томонидан Uzkart банклараро тўлов тизими иштирокчилари бўлган тижорат банклари билан биргаликда онлайн режимида ишлайдиган «Smart-Vista» EMV технологик платформаси жорий этилди. Бу турдаги пластик карточкалар орқали мижоз ўз карточка ҳисобварақларини реал вақт ичида бошқара олади. Бугунги кунда онлайн режимида ишлайдиган пластик карточкалар сони 8 миллиондан ошган. Бу мамлакатимизда барча банклар томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг ярми деганидир.

2013 йил сентябрь ойида Ягона умумреспублика процессинг маркази ва Click компанияси ҳамкорлигида мобиль-банкнинг тизими ишга туширилди. Хизматга уланиш учун онлайн пластик карточка фойдаланувчиси исталган банк ёки инфокиоскда Uzkart SMS-ахборот бериш хизматини мобиль телефонига улаши, сўнгра бепул USSD сўровини жўнатиб, ўз пластик карточкасини тизимга боғлаши лозим. Шундан кейин фойдаланувчи мобиль телефон ёки интернет орқали нафақат уяли телефон, интернет, телевидение ва коммунал хизматлар учун тўловни амалга ошириши, балки уйдан чиқмаган ҳолда интернет дўконлардан турли маҳсулотларни харид қилиши мумкин.

Click тизими фойдаланувчиларга USSD, SMS ва интернет порталлари воситасида маблағни бир ҳисобдан бошқа ҳисобга ўтказиш, рўйхатдан ўтказилган мобиль рақами ҳисобини автоматик тўлдириш имконини берадиган «автотўлов»ни фаоллаштириш, тўловлар тарихини кўриш, банк ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида SMS хабарлар олишда беминнат дастёр бўлади.

Ҳозирги пайтда ушбу тизим орқали уй ва мобиль телефон, интернет хизматлари учун тўловлардан ташқари 52 турдаги интернет сервис, 20 турдаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин. Хусусан, «Avtech», «UZTE» компаниялари томонидан компьютер ва мобиль телефонларини харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлганларга рўйхатдан ўтказиш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатувчи «Gosuslugi.uz» харажатларини тўлаш мумкин.

Алоқа, интернет, телевидение, коммунал хизматлар, солиқ, жарима ҳамда бошқа тўловларни, шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан татбиқ этилган «Sms-To'lov» (UPAY), «National Engineering Technologies» компанияси томонидан жорий қилинган MBANK электрон тўлов тизимлари ёрдамида ҳам реал вақт режимида амалга ошириш мумкин.

Электрон ҳисоб-китоблар воситачилик ҳақисиз, сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширилиши аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Бундай имкониятлар банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан (банк-мижоз, интернет банкинг, мобиль-банкнинг, SMS-банкнинг ва бошқалардан) фойдаланувчилар сонининг ошишига хизмат қилмоқда. Мобиль-банкнинг ҳамда SMS-банкнинг хизматидан фойдаланувчилар сони

ўтган йилдагига нисбатан икки баробар ўсди. Click хизмати мижозлари бир миллиондан ошиб кетди.

Мамлакатимизда электрон тўлов механизмларининг такомиллаштирилиши электрон савдо имкониятларини янада фаоллаштириш имконини бермоқда. Бу товарлар айланиши, пул муомаласини янада тезлаштириш, бозорларнинг очиқлигини оширишга, пировардида, халқимиз турмуш даражасининг янада яхшиланиб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

### Амалий вазифалар.

#### 1-вазифа.

UPAY тўлов тизимини таҳлил этинг?

№	UPAY тизимининг хусусиятлари	тўлов	UPAY тизимининг томонлари	тўлов ижобий	UPAY тизимларидан фарқлари	тўлов бошқа
1						
2						
3						
4						
5						

#### 2-вазифа.

Дунё тизимларида ҳаммабоп бўлган тизимларни топинг. Уларнинг фарқлари нимада? Венн диаграммаси асосида кўрсатиб беринг.

#### 3-вазифа.

Электрон тижорат тизимлари ривожланиш босқичларини кластер шаклида кўрсатиб беринг.

#### 4-вазифа.

Электрон тўлов тизимларини келтиринг ва уларнинг хусусиятларини очиб беринг.

#### 5-вазифа.

Сиз корхона раҳбарисиз. Корхона даромадини ошириш мақсадида ишлаб чиқараётган маҳсулотни дунё бўйича реклама қилмоқчисиз. Буни қандай қилиб қисқа мудатларда амалга ошириш мумкин?

Саволга жавоб топиш учун қуйидагиларни аниқлаш керак:

1. Сифатли маҳсулот турини аниқлаш.
2. Маҳсулот учун реклама лойиҳасини шакллантириш.
3. Маҳсулотни дунё бўйлаб реклама қилиш учун майдон топиш.

### Адабиётлар

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.
2. Pul, kredit va banklar: 5340700 - "Bank ishi" ta'lim yonalishi talabalari uchun darslik / O. Yu. Rashidov va boshq. - Т. : Cho'lpon nom. nashr.-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 328 b. - (O'z R oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi). - Adabiyot.: b. 323.
3. Раҳманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.- 175 б.
4. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84928896031>  
A Study of Consumer Concerns and Issues of Electronic Payments in India(Article) [Gupta, M.](#), [Sareen, R.](#) Department of Management Studies, Indian Institute of Technology, New Delhi, India GE Capital, Gurgaon (Haryana), India Volume 2, Issue 1, 9 February 2001, Pages 101-119

У БЎЛИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-КЕЙС-СТАДИ.

«Феруз Хоразм» ташкилотини: Сотиш бозорини кенгайтириш учун интернет (рақамли) - маркетинг стратегиясининг танланиши»

#### Муаммо

Сотиш бозорини кенгайтириш учун маркетинг ва интернет стратегияси танланиши.

#### Вазифалар

1. Корхонанинг веб-сайтини яратиш ва сотиш бозорини таҳлил этиш
2. Бозорнинг сегментланиши ва мақсадли сегментнинг аниқланиши. Бозордаги ҳар бир сегментга талабга таъсир қиладиган омилларни аниқлаш.
3. Рақибларни таҳлил қилиш.
4. Маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаш (алгоритм шаклида).

#### ЕЧИМ АЛГОРИТМИ

- 2.1. Корхонанинг веб-сайтини яратиш ва сотиш бозорини таҳлил этиш.
- 2.2. Қурилиш материаллари бозори таҳлили куйидаги омиллар тадқиқини ўз ичига олади:
  - а) *Рақобатчилик интенсивлиги, у қуйидагиларда ифодаланади:*
    - кўп сонли ёки ўзаро бир-бирини мувозанатга келтириб турадиган рақиблар мавжудлиги;
    - бозорнинг ўсиб бориши. Агар бозорнинг умумий миқдори ошмаса, компаниялар ўзининг ўсиши учун бозорни бошқалар билан бирга баҳам кўришга мажбур бўлади;
    - товарлар ёки товарлар гуруҳларининг ўхшашлиги, бу истеъмолчининг товарнинг бир маркасидан бошқа маркасига осон ва эркин ўтишига имкон беради;
    - доимий юқори харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини қувватлаб туриш зарурлиги;
    - тўсиқлар - иқтисодий, стратегик ва ҳиссий, улар ҳатто компания паст ёки манфий фойдалиликка эга бўлса ҳам, унинг ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳасига ўтишига имкон бермайди.
  - б) *Доимий рақиблар томонидан хавф.*

Рақобатчилик кучайиши эҳтимолли ушбу бозорда ишлаётган компанияларнинг эҳтимол тутилган жавоб ҳаракатлари, шунингдек улар янги рақиблари учун яратадиган, жумладан, нархга оид тўсиқларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш миқёслари энг катта тўсиқ ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг катта миқёслари оқибатида ишлаб чиқарилган товар бирлигига нархлар янада пасаяди.

#### Бозорнинг сегментланиши ва мақсадли сегментнинг аниқланиши

Харидорларнинг кучли позициялари ва уларга боғлиқлик корхоналарнинг бозорларда омон қолишининг жиддий омилларидан биридир. Корхона ўзининг истеъмолчилар билан муносабатларини таҳлил қилиб бориши керак. Ушбу масаланинг кўриб чиқилишида, биринчи навбатда, истеъмолчиларни уларга мазкур товарнинг кераклиги ва айнан ким учун кераклиги нуқтаи назаридан ўрганиш, яъни мақсадли аудиторияни ўрганиш зарур. Истеъмолчилар мақсадли гуруҳининг корхона товарига талабларини белгилаш. Олинган ахборот асосида заиф ўринлар белгиланади, уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар ишлаб чиқилади. Бунда айирбошланадиган товарларнинг мавжудлиги ва корхонанинг ресурсларни етказиб берувчиларга боғлиқлиги каби омиллар ҳисобга олинади. Компания ўзи билан ўзининг етказиб берувчилари ўртасидаги кучлар балансини таҳлил қилиши лозим. Бозорни сегментлашда бозорнинг мақсадли сегментига талабга таъсир қиладиган омилларни ажратиш олиш зарур.

#### Рақибларни таҳлил қилиш

Ушбу масаланинг кўриб чиқилишида корхонанинг асосий рақибларини аниқлаш (рақобатчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар кейсда, 3-жадвалда тақдим этилган), алоҳида ҳар бир рақибнинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ва хавфларини ажратиш, ўрганилаётган корхонанинг кўрсаткичлари билан таққослаш ва заиф томонларни бартараф этиш бўйича эҳтимол тутилган чораларни ишлаб чиқиш керак.

#### Интернет-маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаш

Бозордаги стратегияни танлаш учун олдинга жорий амалга оширилаётган стратегия таҳлилдан ўтказилади. Жорий стратегиянинг аниқланиши жуда муҳимдир, чунки компаниянинг қандай ҳолатда эканлиги ва унинг қандай стратегияларни амалга ошираётганлигини аниқ билмай туриб, келажак ҳақида қарор қабул қилиш мумкин эмас. Амалиётда стратегияни тўғри танлаш учун “бозорда улушнинг ўсиши”

матритсаси, бозор стратегиясининг фойдага таъсири матритсаси (ПИМС) ва Портернинг умумий стратегик моделини қўллаш мумкин. Маркетинг стратегиясини танлаш корxonанинг ўзини кучли ва заиф томонларини ҳисобга олган ҳолда маркетинг услубларини танлашда уларнинг ресурслар фаолиятини айнан корхонага максимал устунликлар берадиган ёки, жуда бўлмаганда, минимал камчиликлар келтирадиган соҳасида тўплашини таъминлайдиганларини танлашига имкон беради.

Стратегия вариантнинг танланишини асослашни алгоритм шаклида тақдим этинг.

### ***Вазиятни таҳлил этиш варағи***

Таҳлил босқичи

Иш мазмуни

Кейсда берилган вазият билан танишиш

Берилган аниқ вазият изоҳи ва топшириқни ҳал этиш учун муҳим ахборотни белгилаш

Жорий вазият таҳлили

«ФЕРУЗ-ХОРАЗМ» корхонасининг асосий кўрсаткичлари ёрдамида вазиятни ташхисқилиш:

- мақсадлари;
- кучли ва заиф томонлари;
- мақсадли бозорлари;
- маҳсулоти;
- илгари суриш;
- нархлар;
- интернет маркетинг тадқиқотлари натижалари.

Ана шу кўрсаткичларга кўра субъектнинг реал аҳволи кўриб чиқилади ва вазият таҳлили ўтказилади.

Жорий вазият хусусидаги фаразлар

Муаммонинг ифодаланиши

Асосий муаммонинг ажратилиши ва унинг таркибий қисмларининг белгиланиши (белгилари; далиллар).

Муаммо ечимининг муқобил вариантларини танлаш ва муаммоли вазият ечимининг эҳтимол тутилган муқобил вариантини ифодалаш

Стратегиянинг танланиши ва асосланиши:

- устунликлар ва кутиладиган натижалар;
- камчиликлар ва чиқимлар.

Таклиф этиладиган қарорнинг батафсил ишлаб чиқилиши:

- Нима?
- Ким?
- Қачон?
- Қаерда?
- Нима учун?
- Қандай қилиб?

## 2-КЕЙС-СТАДИ.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий қурилмаси компьютер тармоғига уланган қурилмалар

### Муаммо

Рақамли иқтисодиётнинг асосий қурилмаси компьютер тармоғига уланган қурилмалар (колонка, микрофон, проектор) ишламай қолди, бунда сизнинг ҳаракатларингиз?

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>
Компьютер тармоғига уланган қурилмаларни ишламай қолиши.	1.Қурилма сими тармоққа уланиш жойига тегмай қолиши текшириш; 2.Қурилмани ишга тушурувчи драйверни мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш; 3.Қурилма сими узилмаганини текшириш 4.Драйверни вирус бузган ёки зарарлаганини текшириш. 5.Бузилган ёки мавжуд бўлмаганда драйверни қайта ўрнатиш	Кўрсатилган эчимлар бажарилса, қурилма албатта ишлайди.

### 3-КЕЙС-СТАДИ.

#### Рақамли иқтисодиёт тизимими ёрдамида фаолият юритаётган Yandex.такси корхонаси

##### Муаммо

Рақамли иқтисодиёт тизимими ёрдамида фаолият юритаётган Yandex.такси корхонасидан соат 8.30 да такси заказ берилди. Такси 30 минут ичида этиб келади деган ахборотни олган ходим. Ўзининг корхонасида шартнома имзолаши орқали 15 млн. АҚШ доллари оларди. Лекин корхона айби билан такси 20 минутга кеч колди ва шартнома имзоланмади. Бу шароитда сизнинг ҳаракатларингиз?

**Муаммо (асосий ва кичик муаммолар).** Такси 20 минутга кечиканлиги сабабли бошқа корхона шартнома имзоламади ва 15 млн. АҚШ долларига зарар қўрди

**Ечим.** Муаммо ечими бир нечта босқичдан иборат.

Биринчи навбатда такси кеч қелаётганлигини инобатга олиб бошқа такси олиб кетиши керак эди.

Иккинчидан Такси буюртма килишдан олдин Yandex.такси корхонасини низоми билан танишиб чиқиши лозим, агар корхона низомида улар сабали молиявий ўқотиш бўлса, уни коплаб бериш келтирилган еки йўқми. Келтирилган бўлса керакли мурожатлар килиши керак.

**Натижа.** Кўрсатилган эчимлар бажарилса, корхона раҳбари шарномани ўз вақтида имзолайди ва 15 млн. АҚШ доллари инвестиция киритади.



VI БЎЛИМ

ГЛОССАРИЙ

## VIII. ГЛОССАРИЙ

### ГЛОССАРИЙ

**Виртуал банк (Virtual bank)**, Мижозларга Интернет тармоғидан фойдаланиб хизмат кўрсатадиган банк. Мижозлар браузерлар ёки махсус дастурий таъминотдан фойдаланиб чинакам банкда бажариладиган амалларнинг кўпини бажаришлари ва ахборот олишлари мумкин.

**Банк тармоғи (Bank network)**, Банкга ёки банклар гуруҳига хизмат кўрсатувчи ахборот тизими. Банк тармоғи виртуал тармоқ ёки жисмоний тармоқ бўлади. Биринчи ҳолда у, кўпмақсадли тармоқнинг мантикий ажратилган қисми (бегона шаслар учун берк) ресурсларининг бир қисмидан яққаҳоким сифатда фойдаланади. Иккинчи ҳолда, ахборот тизимининг барча жиҳозлари ва дастурий таъминоти фақат банк тизимларини ишлаши учун мўлжалланган бўлади.

**Бизнес учун бизнес (Business Solution)**, Ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа кўшимча қийматни шакллантириш занжирида иштирок этувчи ташкилотлар билан самарали ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган.

**Истеъмолчи учун бизнес (Business Intelligence for Consumers)**, Ахборот маконида иқтисодий фаолият соҳаси. Бу соҳа якуний фойдаланувчи талабларини қондиришга ва узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган.

**Электрон бизнес (Electronic business)**, Кўшимча қийматнинг бирлаштирилган занжирини яратиш ва ишчан ҳамкорларнинг оптимал ўзаро ишлашини таъминлаш учун ахборот технологияларидан фойдаданишга асосланган Интернет – бизнес. Электрон савдо тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча.

**Виртуал иқтисодиёт (Virtual economy)**, Электрон маконда иқтисодий амалларни бажариш.

**Виртуал корхона (Virtual enterprise)**, Фаолият жараёнида электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда энг кам ёки умуман бўлмаган шахсий, бевосита алоқасиз мулоқотда бўладиган, ўзаро ишлайдиган географик нуқтаи назардан ажратилган ходимлар уюшмасидан иборат бўлган корхона.

**Виртуал компания (Virtual company)**, Кўшма, келишилган фаолият бажарувчи жисмоний ёки юридик шахс. У одатда турли соҳаларда, аниқ мақсадларга эришиш учун ахборот технологияларидан фойдаланади.

**Виртуал офис (Virtual office)**, Компаниянинг Интернет ресурси ёки унинг қисми. У географик нуқтаи назардан узоқда жойлашган ходимларга ахборотни алмашиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқарув таъсирларини узатиш ягона тизими ёрдамида ташкилот сифатида ўзаро ишлаш имконини беради.

**Имзо калити сертификати эгаси (Signature key certificate holder)**, Номига рўйхатга олиш маркази томонидан имзо калити сертификати ажратилган ва тегишли ўз ёпиқ электрон-рақамли имзо (ЭРИ) калитига эга жисмоний шахс. ЭРИ калити ЭРИ воситалари ёрдамида электрон хужжатларда ўз электрон рақамли u1080 имзосини яратиш (электрон хужжатларга имзо чекиш) имконини беради.

**Интернет дўкони (Internet shop)**, Маҳсулотларни истеъмолчиларга тўғридан-тўғри сотишни амалга оширадиган веб-сервер. Бунда истеъмолчиларга ахборот бериш, маҳсулотга буюртма бериш ва шартнома тузиш Интернет дўкони сайтида амалга оширилади.

**Рақамли иқтисодиёт (Digital economy)**, Рақамли коммуникациялар ёрдамида олиб борилаётган иқтисодиёт. қаранг: электрон иқтисодиёт

**Рақамли пул (Digital money)**, Нақд пулнинг электрон аналоги. Рақамли пул сотиб олиниши мумкин, улар электрон шаклда махсус қурилмаларда сақланади ва харидорнинг ихтиёрида бўлади. Сақлаш қурилмалари сифатида, смарт-карталар ёки махсус компьютер тизимларидан фойдаланилади.

**Хавфсиз электрон келишув (Safe electronic contract)**, Интернетда кредит карталарнинг муҳофазаланган транзакцияларини бажариш учун мўлжалланган стандарт. Рақамли имзоларни ишлатиш сотувчиларга харидорлар ҳақиқатда ўзларини билдираётган кимса эканлигини текшириш имконини беради. Бунда кредит карточканинг тартиб рақамини сотувчига кўрсатмай бевосита уни талаб қилган томонга текшириш ва ҳисоб-китоб тузиш учун узатилади. Бу эса харидорларни муҳофазалаш механизмларидан биридир.

**Электрон тижорат (E-commerce)**, Ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти. Электрон тижоратни тўрт йўналишга ажратиш қабул қилинган:

бизнес - бизнес (business to business, B2B);

бизнес – истеъмолчи (business to consumer, B2C);

бизнес - маъмурият (business to administration, B2A);

истеъмолчи - маъмурият (consumer to administration, C2A).

**Электрон харидлар (E-purchases)**, Харидлар жараёнини автоматлаштириш ва уйғунлаштириш. Унинг самарадорлиги Интернет тармоғини ва корпоратив интратармоқларни ишлатиш билан таъминланади.

**Электрон рақамли имзо воситалари (Electronic digital signature tools)**, Қуйидаги вазифалардан камида биттасининг амалга оширилишини таъминловчи аппаратли ва (ёки) дастурий воситалар:

- электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш;

- ЭРИнинг очик калитидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатда ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

- ЭРИнинг очик ва ёпиқ калитларини яратиш. Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштириши лозим.

**Электрон рақамли имзо воситалари сертификати (Electronic digital signature certification)**, Сертификация тизими қоидаларига биноан, белгиланган талабларга биноан электрон рақамли имзо воситаларининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун берилган қоғоз ҳужжат.

**Электрон ҳужжатнинг реқвизитлари (Requisites of electronic document)**, Электрон ҳужжатнинг мажбурий реқвизитлари қуйидагилардан иборат:

электрон рақамли имзо; жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки жўнатувчи жисмоний

шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

жўнатувчининг почта ва электрон манзили;

ҳужжат яратилган сана.

**Электрон рақамли имзонинг очик калити (The open key of electronic digital signature)**, Электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.

**Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити (Closed circuit of digital signature)**, Электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги. (қонун)

**Электрон нақд пул (Electronic cash)**, Смарт – карта шаклида амалга оширилиб, нақд пулларни электрон тасаввурида сақловчи электрон ҳамён ёки электрон кисса бўлиши мумкин. Смарт-карта нақд пул билан қилинадиган амалларни муаллифлаш учун керак бўлган барча ахборотни ўз ичига олади ва майда маиший тўловлар бўлиши, шаҳар транспорти учун кира ҳақи тўлаш ва рўзномалар сотиб олишда фойдаланилади.

**Электрон савдо (Electronic commerce)**, Интернет тармоғида электрон хужжат айланиши ёрдамида амалга ошириладиган савдо. Телекоммуникация услуб ва воситаларидан фойдаланади. Унинг асосий мақсади, савдони соддалаштириб ва келишувларни тезлатиб, ҳамкорларнинг ўзаро алоқада ишлаш самарадорлигини ошириш. Электрон савдо ривож топишига, ЭДИ «электрон маълумотлар алмашув» ва ЭФТ «пулларни электрон ўтказиш» технологиялари имкон яратмоқда. Бунинг натижасида фойдаланувчи ўз компютеридан:

- товарлар рекламаси билан танишиш;
- қизиқиш уйғотган товарларни виртуал борлиқ маромида учўлчамли рангли тасвирларини кўриб чиқиш;
- сотувчи билан электрон почта орқали музокара олиб бориш;
- шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш;
- товарларга ўз банки орқали пул тўлаш;
- товарлар юкланиши ва ташилишини кузатиш имкониятларига эга бўлди.

Электрон савдо технологияларидан фойдаланиш сотувчи ва харидор учун кўпгина харажат турларини қисқартиради, ходимлар томонидан бажарилаётган амаллар сонини камайтиради, савдо хизматлари сифатини оширади, хизматчиларни икир-чикир ишлардан озод қилади. Электрон савдони ташкил қилишда маълумотлар хавфсизлигига катта эътибор қаратилади.

**Электрон иқтисодиёт (Electronic economy)**, Кенг маънода: ахборот, билимлар ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган қтисодиёт.

**Электрон ҳамжамият (Electronic Community)**, Умумий қизиқишларга эга бўлган ва глобал тармоқ ресурсларидан фойдаланадиган инсонлар бирлашмаси. Биринчи электрон ҳамжамиятлар иш қидириш, савдо, спорт ва дам олишни режалаш масалари атрофида ҳосил бўлган. Электрон ҳамжамиятларнинг яратилишида Интернет муҳим рол ўйнайди.

**Электрон пул (Electronic money)**, Кенг маънода – ахборот тармоқларида пул айланишини ташкил қилиш шакли.

**Электрон тўлов (Electronic payment)**, Харидларга электрон воситалар

ёрдамида ҳақ тўлаш. Уй банки, товарлар учун электрон дўконларда ҳақ тўлаш ва шу каби тизимлар энг кўп тарқалган

**Электрон тендер (Electronic tender)**, Битта харидор ва бир неча сотувчи мавжуд бўлган ҳолда, электрон бизнес доирасида турли товар, иш ва хизматларни сотиб олиш учун ўтказиладиган тендер. Муайян харидорда манфаатдор сотувчилар ўзларининг маҳсулот ва нархларини таклиф қиладилар, харидор эса, ўз нуқтаи назаридан энг яхши таклифни танлайди (нархи, сифати ва ҳ.к. бўйича), сотувчига тўловни ўтказди ва аниқ вақт ичида керакли маҳсулот/хизмат эгаси бўлади.

**Ягона ахборот макони (The only place of information)** Маълумотлар базалари ва банклари, уларни олиб бориш ва ишлатиш технологиялари, ахборот-коммуникатсион тизимлар ва тармоқлар мажмуи. У ягона тамойиллар ва умумий қоидалар асосида ишлаб, ташкилотлар ва фуқаролар учун ахборот алмашувини таъминлаш, ҳамда уларни ахборотга эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

# VII БЎЛИМ

АДАБИЁТЛАР  
РЎЙХАТИ

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

#### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

#### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда



Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

6. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2010. – 728 бет.

7. Pul, kredit va banklar: 5340700 – "Bank ishi" ta'lim yonalishi talabalari uchun darslik / O. Yu. Rashidov va boshq. – Т. : Cho'lpon nom. nashr.-matbaa ijodiy uyi, 2011. – 328 б. – (O'z R oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi). – Adabiyot.: б. 323.

8. Раҳманкулова С.И. Тадбиркорлар учун он-лайн интерактив хизматлар. – infoCOM.Uz. – 2015.– 175 б.

9. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-0035521502>.

Efficient fair payment system by electronic wallet(Article) Chen, K., Yang, B., Wang, Y.-M., Xiao, G.-Z. State Key Lab. of ISN, Inst. of Info. and Privacy, Xidian Univ., Xi'an 710071, China

10. 26. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-84928896031>

A Study of Consumer Concerns and Issues of Electronic Payments in

India(Article) Gupta, M., Sareen, R. Department of Management Studies, Indian Institute of Technology, New Delhi, India GE Capital, Gurgaon (Haryana), India Volume 2, Issue 1, 9 February 2001, Pages 101-119

11. Jasimuddin, S.M. Mishra, N. A. N. Saif Almuraqab Modelling the factors that influence the acceptance of digital technologies in e-government services in the UAE: a PLS-SEM Approach(Article) Volume 28, Issue 16, 10 December 2017, Pages 1307-1317. <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85030990353>

## V. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
2. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
3. Тошкент ахборот технологиялари университети: [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz), [e-tuit.uz](http://e-tuit.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги: [www.mitc.uz](http://www.mitc.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. [www.egovernment.uz](http://www.egovernment.uz)